ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР
аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади
3 бет

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ
Тадбиркорнинг чойхона ёки савдо дўкони қуриб фойдаланишга топширгани, кўчани асфальт қилиб бергани ёки бир маҳалладошига моддий ёрдам кўрсатгани бугун одатий ҳолга айланиб қолди.
4 бет

НАҲОРГИ ОШ ЎТКАЗИЛМАДИ
Мукамбар опа куёв томоннинг дабдабаларсиз, ихчам тўй ўтказиш ҳақидаги фикрини тўла-тўкис маъқуллади. «Оғиз ёпди», «Фотиҳа тўйи», «Қиз базми» каби тадбирлар кун тартибидан олиб ташланди. «Сарсон бўғча», деган ирим-сиримларга чек қўйилди.
6 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

46 (752)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 25 ноябрь. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон – Қатар:
ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23-24 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Қатар Давлати араб дунёсида жадал ривожланаётган, нафақат ўз минтақаси, балки бутун жаҳонда салмоқли нуфузга эга мамлакатлардандир. Унинг йирик сиёсий анжуманларга, спорт мусобақаларига мезбонлик қилиши бунга мисолдир. Қатар илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, илм-фанни ривожлантириш, сармоявий фаолият соҳаларида ҳам араб мамлакатлари орасида етакчилик қилади.

Ўзбекистон ва Қатар халқларининг тарихий, маданий ва маънавий яқинлиги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муштарак интилишлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда. Иқтисодиёт глобаллашиб, жаҳон бозорларида рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда энергия манбаларига, замонавий технологияларга, транспорт коммуникациялари тармоқларини янада ривожлантиришга талаб тобора ошмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Қатарнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришни замоннинг ўзи талаб қилаётганини англатади. Шу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг Қатарга ташрифи ўз вақтида амалга оширилган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга воқеа бўлди.

24 ноябрь куни Қатар Давлати Амирининг саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қатарнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Қатар Амири фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўзбекистон ва Қатар раҳбарларининг музокарасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, жумладан, транспорт коммуникациялари соҳасидаги, шунингдек, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қатар ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини, айниқса транспорт коммуникациялари, нефть-газ, кимё саноати, қурилиш, савдо, сайёҳлик, юқори технологиялар каби соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ бўлишини таъкидлади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ушбу ташриф Ўзбекистоннинг Форс кўрфази ва бутун араб дунёси билан муносабатларини ривожлантиришда ҳам долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Қатарда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлидаги сатъий-ҳаракатлар диққат билан кузатиб борилаётганини таъкидлади. Қатар ишбилармон доиралари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги сармоявий лойиҳаларга, Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. Амир шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган сиёсатига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Қатар БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида Ўзбекистон билан Қатар ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Қатар табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётни модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, экспорт таркибида тайёр маҳсулот улушини ошириш, умуман, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида тажриба алмашиш, энергетика, кимё саноати, транспорт коммуникациялари, қурилиш, сайёҳлик, юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдалидир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон-Туркманистон — Эрон — Уммон — Қатар йўналишидаги транспорт коммуникациялари тармоғини шакллантириш борасидаги ташаббусини ҳаётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда Техронда Ўзбекистон, Эрон, Уммон ва Туркманистон вакилларининг кенгаши ўтказилиб, унда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Туркманистонни Эроннинг жанубий бандаргоҳлари билан темир йўл орқали боғлаш Форс ва Уммон кўрфазлари билан бутун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ғоят муҳим алоқа тармоғини яратиш имконини беради. Юклар, жумладан, транзит юклар ташувига автомобиль ва денгиз транспорти ҳам жалб этилса, савдо ҳажми янада ортади. Қатарнинг бу жараёнда иштирок этиши минтақада сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

(Давоми 2-саҳифада)

2010 йил — Баркамол авлод йили

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...»

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» Республика кўрик-танлови ва «Ўзбекистон дўппилари» кўргазма-савдоси ўз ишини бошлади.

© Фото-Носир Ҳайдаров

Халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, улардан ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кенг ва самарали фойдаланиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларига айланган. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов ҳамда кўргазма-савдони ўтказишдан мақсад ёшларда миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, халқ ҳунармандчилигининг санъат даражасига кўтарилган турларини навқирон авлодга мерос қилиб қолдиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Кўрик-танловларнинг дастлабки туман, шаҳар ва вилоят босқичларида таълим масканларининг ўқувчи ва талаба қизлари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган аёллар чеварлик, каштачилик, дўппидўзлик бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Айни пайтда моҳир ҳунармандлар, санъатшунослар иштирокида ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувлар ёшларнинг миллий ҳунармандчиликка оид билимини кенгайтириш имконини берди.

Дўппиларда муайян ҳудуднинг тарихи, маданияти ва маънавияти акс этади. Андижон дўппилари «сетора» ва «инжик», деб номланган нусхалари чокларининг ўта майда ва нафислиги, Бухоро дўппилари «зардўзи-гулдўзи», «зардўзи-заминдўзи» нақшларидаги ғоят нафис усуллари билан ажралиб туради. Самарқанднинг Ургут дўппилари, Қашқадарёю Сурхондарёнинг «ироқи», «гиламдўзи», Наманган дўппиларидаги ўзига хослик, бетакрор услублар кўзни қувонтиради.

— Момоларимиздан ҳунар ўрганишда ҳикмат кўп эканини эшитиб улғайганман, — дейди Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Юқори Калангар» маҳалласида истиқомат қилувчи ҳунарманд Дилсора Муҳбилова. — Дўппидўзликка қизиққаним боис уни ўрганишга асдойдил меҳр қўйдим. Ҳозирда ўнлаб қизларга бу ҳунарни ўргатиб келмоқдаман. Қизларимиз сариштa уй бекаси бўлиш билан бирга ҳеч бўлмаганда битта ҳунарнинг этагидан тутишлари лозим. Ана шунда турмушлари янада фаровон бўлиши муқаррар.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловда «Устоз — шогирд» йўналиши бўйича жойлардан ташриф буюрган вилоятлар ғолиблари беллашадилар.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

Кўрик-танлов ва кўргазма-савдо 26 ноябргача ўз ишини давом эттиради.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Раёсат йиғилиши

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

"Маҳалла" жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг навбатдаги йиғилишида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда жамғарма иш режасида белгиланган муҳим вазифалар ижроси муҳокама этилди.

Унда дастур ижроси доирасида ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда 1415 марта давра суҳбати, учрашув ва мулоқот ўтказилгани таъкидланди.

Жамғарманинг вилоят бўлими ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлинмалари томонидан 118 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. 70 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг компьютер савдохонлиги бўйича билимини ошириш мақсадида бепул махсус ўқув-курслари ташкил этилди.

Вилоятнинг Баликчи, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши туманлари маҳаллаларида болалар майдончаларини таъмирлаш, жиҳозлаш чора-тадбирларига жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида ҳам гапирилди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

"Маҳалла" жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими бошқарувида 2010 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишларга бағишланган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви ҳамда туман ва шаҳар бўлинмалари мутасаддилари иштирок этишди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Кўрик-танлов

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ»

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, миллий қадриятларимизнинг теран илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари ҳамда замонавий ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Чунончи, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама таърифлаб, тавсифлаб беришга йўналтирилган суҳбатлар, учрашувлар, тадбирлар орқали бугунги кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти фуқаролар онгига сингдирилмоқдаки, бу жараёнда маънавият тарғиботчиларининг хизматлари беқиёс.

— Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳиятини тушунтириш, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш, маънавий тарғиботни амалга ошираётган тарғиботчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раиси Муқим Ҳасанов. — «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Маънавият тарғибот маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва халқ таълими бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши, «Байналмилал» маданият маркази вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу танлов низом асосида ўтказилди.

Маҳалладаги энг фаол маънавият тарғиботчиси йўналишида вилоятнинг Зарбдор туманидаги Андижон қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳаббат Турдиева маънавий тарғибот ишларидаги жонбозлиги боис ғолибликка эришди ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди.

Маърузада юртимизда кечаётган серқирра жараёнлар катта интеллектуал куч билан чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинди, мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлга ва демократик жамият ҳамда бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасидаги ютуқларга баҳо берилди. Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбарининг маърузасида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепциясини изчиллик билан амалга оширишнинг янги марралари белгилаб берилди.

Сенаторларнинг, барча даражалардаги депутатлар корпусининг ғоят муҳим вазифаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларни кенг жамоатчиликка, Ватанимизда яшайдиган ҳар бир инсон эътиборига етказишдан иборатдир.

Мана шу масъулиятли вазифанинг бажарилиши кўп жиҳатдан вакиллик ҳокимияти органларининг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилишига, парламент ишида очиқлик ва ошкоралик таъминланишига ҳам боғлиқ.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Мустақиллик йилларида аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг хоҳиш-иродасини ифода этишда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур тузилманинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтиришга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий тамойилларнинг акс эттирилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этган ушбу ташкилотларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди.

Ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунга келиб жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида муҳим ўрин тутиб, унинг мавқеи ва обрўси тобора мустаҳкамланиб бораётгани, ижтимоий кўмаклашувнинг энг адолатли ва таъсирчан тузилмасига айланаётгани қувонарли ҳол, албатта. Мазкур тузилма, айниқса, қадимги анъанавий ўзини ўзи бошқариш шаклларини сақлаб қолган маҳалла тизимига бўлган жиддий эътибор кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга ўтказилаётгани ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Ўзбекистон – Қатар:

ҲАМКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми, боши 1-саҳифада)

Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш, жумладан, мазкур транспорт тармоғини ривожлантириш учун асос вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон ва Қатар нефть ва газни қайта ишлаш, савдо, қурилиш, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга эга. Хусусан, нефть-газ ва тўқимачилик саноатида хомашё ва тайёр маҳсулот нархи ўртасида катта фарқ бўлади. Қўшма корхоналар тузиш бу йўналишларда икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Қатар қурилиш соҳасида ҳам бой тажриба орттирган. Шу маънода қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси истиқболли саналади.

Томонлар яқинда Қатар пойтахтида ўтган икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми натижаларини юксак баҳоладилар. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган эди. Бундай тадбирлар икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти билан атрофлича танишиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг музокарасида гуманитар ҳамкорлик, жумладан, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, спорт ва маданият каби соҳалардаги алоқаларга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Яқинда Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилиб, Доҳа университетида унинг тақдимоти бўлди. Бу Қатарда Ўзбекистон раҳбарига, ўзбек халқига ва унинг маънавий қадриятларига, Моваро‘ннаҳрнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларига юксак ҳурмат-эҳтиромдан яна бир ёрқин далолатдир. Бу эса икки мамлакат ўртасида гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун Ўзбекистон ва Қатар дунёдаги иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган беш мамлакат сирасига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Музокара якунида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қатар Давлатининг Қўшма баёноти, Савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан «Қатар холдинг» сармоявий компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан «Қатар Петролиум Интернэшнл лимитед» компанияси ўртасида англашув меморандуми, Ўзбекистон ва Қатар савдо-саноат палаталари ўртасида Тадбиркорлар қўшма кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битим шулар жумласидандир. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Қатарнинг турли соҳалардаги ҳамкорлиги учун мустаҳкам асос яратади.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ислом санъати музейига ташриф буюрди. Бу ерда Марказий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларидан, Ҳиндистон, Испания ва кўплаб бошқа давлатлардан келтирилган қадимий артефактлар, манускриптлар, қурол-аслаҳа намуналари, амалий санъат ва халқ ҳунармандлиги буюмлари намойиш этилади. Музейдаги қимматли тарихий материаллар орасида Темурийлар даврига оид экспозицияга алоҳида ўрин ажратилган. Мамлакатимиз раҳбари ушбу музей Қатарда ислом цивилизацияси қадриятлари алоҳида эъзозланишидан далолат эканини таъкидлади. Музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президент Ислом Каримов Доҳа марказидаги «Таълим шаҳарчаси» — замонавий илм-фан ва таълим мажмуасига ҳам ташриф буюрди. Бир неча университет ва илмий марказларни ўз ичига олган бу мажмуа юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Таъкидлаш жоизки, бу ерда дунёдаги кўплаб йирик университетларнинг филиаллари жойлашган. Улар орасида Жоржтаун ва Виржиния университетларининг (АҚШ) филиаллари ҳам бор. «Таълим шаҳарчаси» нафақат Қатар, балки бутун Форс кўрфази минтақасининг энг нуфузли илм-фан ва таълим маркази сифатида эътироф этилган.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қатар Давлатига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф икки мамлакат муносабатлари тарихидаги олий даражадаги илк учрашув бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ва улкан имкониятлар яратди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Доҳа — Тошкент.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

< [1]

Хусусан, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш каби аввал маҳаллий ҳокимликлар зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ вазифалар айни пайтда маҳаллалар томонидан амалга оширилмоқда. Маҳалланинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиши, шубҳасиз, истиқлол шарофатидан.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да: "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда", дея алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришда биринчи навбатда, маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларни таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этишини уқтирди. Бу вазифани ҳал этиш учун эса Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Бунда маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳаллининг вазифаларини кенгайтириб боришга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Жамоатчилик назорати — фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси. Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аввало, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал этишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни кўзда тутади. Бу фуқаролик жамиятининг энг муҳим белгиси бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилади. Ва бу жараёнда қонунлар ижроси бўйича давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш устувор аҳамият касб этади. Мазкур тамойил истиқлолимизнинг дастлабки йилларида Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг ўзига хос мустақил тараққиёт йўли — ўзбек моделида акс эттан ва бу модел тўғри танланганлигини бугун ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида таъкидланишича, маҳаллалар давлат бошқарув органлари устидан бевосита жамоатчилик назоратини юритиши зарур. Бунга қонуний асос яратилса, давлат бошқарув органлари билан маҳаллаларнинг ҳамкорлиги мустаҳкамланади, фаолияти юзасидан йиғинларда ҳисоботлар беради. «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш фурсати етди, — деди Юртбошимиз ўз маърузасида. — Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, шунингдек, мазкур соҳадаги амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур».

Маҳалла оқсоқоли қандай одам бўлиши керак? Бу масала доимо долзарб бўлиб келган ва бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юртбошимиз ўз маърузасида «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ҳақида гапириб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши лозимлиги зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бугун фаолият кўрсатаётган оқсоқолларнинг кўпчилиги обрўли, аҳолини ўз ортидан эргаштира оладиган одамлар. Лекин уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш тизимини жорий этиш зарур, албатта. Шу боис қонунда маҳалла оқсоқоли учун зарур бўлган барча хусусиятлар аниқ-тиниқ белгилаб қўйилиши керак.

Президентимиз томонидан илгари сурилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга оид қонунчилик ташаббуслари, белгиланган устувор вазифаларнинг нечоғли ҳаётбахш ва долзарблиги шунда кўринадики, бугун аҳолининг маҳаллага ишончи катта, фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ортган. Қувончи ва ташвишларини маҳалла билан баҳам кўради. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, маҳалланинг бу борадаги ролини яна ҳам кенгайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ким нима иш билан банд, кимнинг қўлидан қандай иш келишини маҳалладагилар яхши билади. Шундай экан, маҳаллада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва фуқаролар йиғинларини оилавий бизнес марказларига айлантириш учун барча имкониятлар бор. Қолаверса, бугун фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, маданияти ошган. Буни ўзим яшаб турган Машад қишлоғи ва маҳалла аҳли билан мулоқотлар чоғида кузатаман, кўраман.

Қишлоғимизда инфратузилма яхши ривожланган — 5 та мактаб, 1 та мактаб-интернат, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Яқинда янги спорт мажмуаси қуриб битказилди. Айни чоғда машаддик болажонлар бу ерда спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланиб, жисмонан ва маънан чиниқаётирлар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар доимий эътиборда. Аҳоли мурожаатлари ўз вақтида ва тегишли ташкилотлар иштирокида ечимини топяпти. Йиғинимиз ҳузуридаги ўндан ортиқ жамоатчилик комиссиялари аъзолари мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида муайян тажриба тўплаганликлари боис фуқаролар бирор масалада қийин ёки мураккаб вазиятларга тушмайди. Бу, айниқса, аҳолини иш билан таъминлашда, кичик бизнесни ривожлантиришда, ижтимоий ёрдам кўрсатишда, оилалар тинч-тотувлигини асрашда асқатади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳалладошларимиз бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан ҳам масъулият ва ишонч билан қарайдиган, орзу-умидларининг, амалий ишларининг мазмун-моҳиятини ёрқинроқ ва теранроқ идрок этадиган одамларга айланган. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепция эса мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг, хусусан, маҳаллалар ривожининг янги босқичини бошлаб бериш, миллий давлатчилигимиз тараққиётида тарихий бурилиш ясаш билан бирга фуқароларимизда юрт равнақи ва фаровонлигига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширади.

Насриддин САДРИДДИНОВ,
Наманган вилояти Уйчи туманидаги
Машад қишлоқ фуқаролар йиғини раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

< [1]

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда 24 ноябрда ўтказилган семинар-тренингда сўз юритилди.

Семинар-тренинг қатнашчилари олдида замонавий оммавий ахборот воситалари соҳасидаги етакчи мутахассислар, мамлакатнинг таниқли журналистлари сўзга чиқишди. Жонли, интерфаол усулда ўтган машғулотларда замонавий ахборот технологияларини эгаллаш, оммавий ахборот воситаларининг имкониятлари орқали тушунтириш ишларини олиб боришнинг анъанавий шакл ва усулларидан фойдаланиш самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Чиқишларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва институциявий шарт-шароитлар яратилганлиги қайд этилди. Ўтган 10 йил мобайнида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баравар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баравар кўпайиб, уларнинг умумий миқдори 1200 тага етди. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 6 миллион нафардан ошди.

Семинар-тренинг қатнашчилари Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг моҳияти ва мазмунини мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига етказиш учун парламент аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари яратиб берилган кенг имкониятлардан фаол ва мунтазам равишда фойдаланишлари кераклигига эътиборни қаратдилар. Семинар-тренингда оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти жамоатчилик ҳамда парламент томонидан назорат қилинишини таъминлашнинг муҳим ресурси эканлиги ҳам таъкидланди.

Семинар-тренинг ишида сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари соҳалар бўйича доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

Истиқлол саодати

ТИНЧЛИК БАРҚАРОР ЖОЙДА ОРЗУЛАР УШАЛАДИ

Бир неча йилдан буён Гулистон шаҳрининг Турғун Аҳмедов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келяпман. Маҳалламизда ўзбеклар билан бирга руслар, татарлар, корейслар, озарбойжонлар, қозоқлар, белоруслар, қўйингки, йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб келишяпти.

Уларнинг тўй ва маъракаларда ака-укалардек, қариндош-уруғлардек аҳиллигини, бир-бирини қўллаб-қувватлашини кўрганимда қувониб кетаман. Инсон қадри улуғланадиган шундай ажойиб юртда яшаётганимдан қалбимни фахр-ифтихор туйғулари қамрайди.

Ўзим арман миллатига мансубман. Маҳалладошларим менга ишонч билдириб, ўзларига раис этиб сайлашди. Ҳозир уларнинг ишончини оқлаш учун бутун куч-ғайратимни сарфлаб ишлаяпман.

Маҳалламиз аҳолиси, асосан, кўпқаватли уйларда истиқомат қилишади. Ҳудудимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари, қозоқ қизи Гуля Жаппасова билан биргаликда кўчаларимиз, уйларимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, маҳалламизнинг янада чиройли ва кўркам бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қиляпмиз.

Яқинда Гулистон шаҳрида вилоят миллий маданият марказлари иштирокида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилган анжуманда иштирок этдим. Тадбирда сўзга чиқиб, мамлакатимизда миллатлар ва элатлар тенглиги, уларнинг ўз тили, маданияти, санъати ва урф-одатларини сақлаб қолиш учун яратилган шароитлар ҳақида гапирдим.

Маҳалламизда оилалар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида мунтазам равишда кўчалар ва хонадонлар аҳолиси ўртасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Маҳалламиз паҳловонлари» каби спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб турамиз. Шунингдек, маҳалламиз равнақига ҳисса қўшган азиз инсонлар хотирасига бағишлаб волейбол, футбол, югуриш, узунликка сакраш ва спортнинг бошқа турлари бўйича хотира турнирларини ҳам уюштиряпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, маҳалламизда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, меҳнат фахрийлари ҳолидан доимо хабар олиб туриш анъанага айланган. Уларга ишбилармон ва тадбиркорларни бириктириб қўйганмиз.

Тинчлик ва хотиржамлик барқарор масканда эзгу ниятлар ижобат бўлиб, албатта, орзулар ушалади. Буни мен ўз маҳаллам мисолида кўриб турибман.

Гулчеҳра АХТАРЬЯНОВА,
Гулистон шаҳар Турғун Аҳмедов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисаси.

Юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Умид" маҳалласи ҳудудида ана шундай замонавий типдаги чарм кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "KLAND KLASSIK" фирмаси иш бошлади. Бунинг натижасида 20 нафар киши иш билан таъминланди. Айни пайтда корхона ишчилари замонавий тикув машиналаридан унумли фойдаланиб буюртма асосида ўз фаолиятларини олиб боришмоқда.

Носир Ҳайдаров олган сурат.

Раёсат йиғилиши

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

< [1]

Йиғилишни жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Акрамжон Юлбарсов очиб, кун тартибига қўйилган масала — жамғарма вилоят бўлими бошқарувининг 2010 йилга мўлжалланган иш режаси, шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига оид чора-тадбирларнинг ижроси бўйича жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Шунингдек, Раёсатда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид фармон, қарор ҳамда маърузаларининг мазмун-моҳиятини маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш бўйича 3 мингга яқин маънавий-маърифий тадбир ўтказилгани таъкидланди.

Бундан ташқари "Огоҳлик — давр талаби" шиори остида одам савдосига қарши кураш борасида қилинаётган ишлар ҳамда аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар самараси ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Жамғарманинг Наманган вилояти бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури ҳамда жамғарма иш режаси асосида муайян ишлар бажарилгани Раёсат йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Айниқса, йиғилишда Раёсат аъзолари томонидан аҳоли бандлигини таъминлашда яхши натижаларга эришилгани эътироф этилди. Жумладан, тикувчилик цехлари, фермерлик, касаначилик ва тадбиркорлик ҳисобига Косонсой, Поп, Чотқол, Янгиқўрғон ва Наманган туманларида 2,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Уларга, асосан, уй бекалари, хотин-қизлар жалб этилган.

Шунингдек, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, вояга етмаганларни назорат қилиш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда "Ўқувчи рейди" ташкил этилди. Унинг натижасида бесабаб дарс қолдираётган ёшлар аниқланиб, таълим олиш устидан доимий назорат ўрнатилди.

Раёсат йиғилиши якунида кўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

* * *

Жамғарманинг Хоразм вилояти бўлими мутасаддилари ҳамда бўлинмалари раислари иштирокида 9 ой якунларига бағишлаб ўтказилган Раёсат йиғилишида жамғарманинг вилоят бўлими раиси Р.Қутлимуротов сўзга чиқди. У йил дастури ва жамғарма иш режасида белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида гапирди.

Таъкидланишича, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялашни кенг тарғиб қилиш юзасидан 300 тага яқин давра суҳбати, мулоқот ва ўқув-семинарлар ўтказилган.

Жамғарманинг вилоят бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида 21 марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилган. Натижада банд бўлмаган 2,5 минг нафардан зиёд ёш муқим иш ўринларига эга бўлди.

Мажлисда сўзга чиққан Раёсат аъзолари эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтишди. Бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Соғлом она — соғлом бола

ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, айниқса, республикамиз аҳолисининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этиш устувор вазифалар сирасига киритилди. Эндиликда чекка-чеккадаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳам энг замонавий янги тиббиёт ускуналарига эга.

Шу нуқтаи назардан Президентимизнинг «2009—2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори халқ саломатлигини сақлаш йўлида дастуриламал бўлаётир.

«Маҳалла» жамғармаси Андижон вилоят бўлими, унинг шаҳар ва туман бўлинмаларида ўтаётган раёсат йиғилишларида бу муҳим ҳужжат чуқур ўрганиб чиқилиб, уни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари мазкур қарорни ҳаётга татбиқ қилишга астойдил киришдилар. Вилоятимиздаги 99 та қишлоқ ва шаҳарча, 862 та маҳалла фуқаролар йиғинларида қарорни амалга ошириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилиб, бугунги кунда муваффақият билан амалга оширилмоқда.

«Маҳалла» жамғармаси шаҳар, туман бўлинмалари ёрдамида барча маҳаллалар фуқаролар йиғинларида «Саломатлик бурчаги», «Қизлар маслаҳатхонаси», «Ёш келин-куёвлар», «Қайнаналар мактаби», «Оталар мактаби» клублари ташкил этилиб, оила мустаҳкамлиги, ўсмир қизлар саломатлиги, фарзандлар тарбияси, қайнана-келин муносабатлари каби мавзуларда тадбирлар ўтказиляпти.

Спортнинг инсон саломатлигини таъминлашдаги аҳамияти катта. Шу боис маҳалла фуқаролар йиғинларида уй-бекаларини спортга жалб этиш, вояга етмаган ёшлар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкиллаштириш оммавий тус олган. Фақат шу йилнинг ўзида уй бекалари ўртасида маҳаллалараро ва туманлараро волейбол, югуриш, баскетбол, велосипед пойгаси, шахмат-шашка, теннис, стол тенниси мусобақалари ўтказилди. Ғолиб жамоалар ва спортчилар бўлимизнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, бу йил «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика ўйинларининг финал мусобақасида, республика «Аёллар фестивали» спорт мусобақаларида вилоятимиз уй бекаларидан ташкил топган жамоалар фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Вилоятимизнинг 2,8 миллион нафардан зиёд аҳолиси саломатлигини сақлаш тизимида 46 та шифохона, 3 та тиббиёт маркази, 340 та қишлоқ врачлик пункти, 37 та поликлиника, 11 та диспансер бўлиб, уларда 6 минг нафардан зиёд малакали врач ва 22 мингдан зиёд ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. 2010 йилда қишлоқ аҳолисини сифатли ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида ҚВПлар қошида 17 та дорихона ишга туширилди. Тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида 20 та андозавий ҚВП ташкил қилинган. 2010 йилда яна 20 та шундай ҚВПни ташкил қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Энг аввало, вилоятимиздаги туғиш ёшидаги хотин-қизларнинг рўйхати қайтадан кўриб чиқилди. Оналарнинг саломатлиги чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларда аниқланган касалликларни бартараф этиш йўллари белгиланди. Қишлоқ врачлик пунктлари ҳисобида турган бемор оналар, зарур ҳолларда туман, вилоят шифохоналаридаги оналар соғломлаштириш марказларига юборилмоқда. Андижонда ташкил топган вилоят перинатал маркази энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиб, туғиш ёшидаги аёлларда учрайдиган барча хасталикларни муваффақиятли даволаш масканига айлантирилди. Шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар марказий шифохоналарининг бино ва иситиш тармоқлари тўла капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий асбоб-ускуна билан таъминланди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида Президентимизнинг жорий йилнинг 21 майидаги «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу ишларимизнинг янада авж олишига омил бўлмоқда.

2010 йилда тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Йилнинг ўтган даврида 14 та шаҳар ва тумандаги автогаражларни таъмирлаш ишлари тугалланди, 26 та автомашина таъмирланди. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминоти яхшиланди.

Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари мажлисларида қишлоқ врачлик пунктлари ва тез тиббий ёрдам хизмати раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш йўлга қўйилди. Ҳар ойда бўладиган бу мажлисларда маҳалла фаоллари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этишмоқда. «Маҳалла» жамғармасининг туман, шаҳар бўлинмалари бошқарув мажлисларида эса йиғин раислари, хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари ва ўринбосарлари, «Камолот» ЁИҲ бўлими Кенгаши раиси ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарлари қатнашишяпти. Аниқланган камчиликлар шу жойнинг ўзида бартараф этилиб, зарур ҳолатларда юқори ташкилотларга мурожаат қилинмоқда.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда вилоятда, шаҳар ва туманларда ташкил этилган махсус жамоатчилик кенгашларининг фаолияти диққатга сазовордир. Бундай кенгашлар вилоятимизда барча маҳалла фуқаролар йиғинларида иш олиб бормоқда. Ҳар бир оилага етиб бориш мақсадида ҳудудлар бўйича махсус гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб, улар таркибига маҳалла маслаҳатчиси, патронаж ҳамширалар, ҳудуд шифокори, отинойи, маҳалла фаоллари киритилган. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосига 50-60 тадан хонадон бириктирилган. Улар аҳоли хонадонларидаги шароит билан танишиб, турмуш маданиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан ўз маслаҳатларини берадилар, ҳукуматимизнинг янги қарорлари билан аҳолини таништирадилар.

Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масала. Биз ҳар доимо асосий эътиборимизни элимизнинг соғлигини муҳофаза қилишга, қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турмуш маданиятини юксалтириш ишларига қаратамиз. Вилоятимизда ана шу муҳим вазифаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Икромиддин ВАЛИЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ

фаолиятимизнинг асосини ташкил этмоқда

Тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада, маҳаллада шаклланган. Бугун ҳам ушбу анъана юртимизда давом этмоқда. Шу боис, оила, маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий, маънавий масала эканлигини Юртбошимиз мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ алоҳида таъкидлаган эди.

Навоий шаҳри ҳудудида 30 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 3742 та кўпқаватли бино, кўплаб ҳовлилар жойлашган.

Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси қўмагида маҳалла фуқаролар йиғинларида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бўлинма томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган болаларга жами 4,965 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 2010 йилнинг якунига қадар 15 та оилага қорамол ажратилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача 7 та оилага бундай ёрдам кўрсатилди.

Фуқаролар йиғинларида бола тарбияси билан машғул оналарга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга, ёлғиз қарияларга нафақалар тайинлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бюджет маблағлари ҳисобидан ўтган давр мобайнида фуқаролар йиғинлари томонидан икки ёшгача бола тарбияси билан шуғулланаётган оналарга 136 миллион сўм ажратилди. 18 ёшгача берилади-ган нафақалар эса 28 миллион сўмдан ортди.

Дастур доирасида болалар ва аёллар саломатлигини ҳимоялаш, баркамол авлодни шакллантириш учун туғиш ёшдаги ва 14 ёшгача бўлган қизларни 100 фоиз тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида жамғарма ҳамда ҳомий ташкилотлар, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, халқ таълим бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида қизларни турмушга тайёрлаш, ёшлар ва ёш оилалар ўртасида репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича жойларда юздан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, «Наврўз» умумхалқ байрами ҳамда ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги тантаналари олдидан кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир нафар ногирон ёшнинг никоҳ тўйи, шунингдек, 23 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Ёшлар ўртасида оилавий қадриятларни тарғиб қилувчи «Ибратли оила» телекўрсатуви ташкил этилиб, «Фазо» телевиденияси орқали намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари бўлимимиз ва ҳамкор ташкилотлар томонидан «Менинг маҳаллам», «Оналар куйлаганда», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик-танловлари ҳам ўтказилдики, бу каби тадбирлар ёшлар онгу шуурида шу азиз Ватанга бўлган меҳру муҳаббат туйғусини янада жўштириши табиий.

Ҳозирги кунда барча маҳалла фуқаролар йиғинларида 30 та Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ва 210 нафар уларнинг аъзолари хотин-қизларга яқин кўмакдош сифатида иш юритмоқда. Ўтган давр мобайнида комиссиялар ташаббуси билан жойларда аёллар ва ёшлар учун 100 дан ортиқ маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар уюштирилди. Бу тадбирларнинг аксарияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Айтиш жоизки, кейинги пайтларда айрим оилаларда никоҳ маросимларини дабдабали ўтказишга, тўйларда ўнлаб автомашиналарни қаторлаштиришга ружу қўйиш ҳоллари сезилмоқда. Маҳаллаларимиз оқсоқоллари ва кайвониларнинг эътибори тўй ва маросимларни ихчамлаштиришга қаратилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳримиз маҳаллаларида 700 та тўй ўтказилиб, ёшлар қонуний никоҳдан ўтдилар. Ушбу йўналишдаги ташвиқот-тарғибот ишлари давом эттирилмоқда.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандларига, ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизнинг зиммасига юксак фуқаролик масъулиятини юклайди, ўз манфаатини шу юрт, шу халқ манфаати билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

Рустам АРЗИЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмаси раиси.

Жамғарма қўмагида

МУРУВВАТДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Қува туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласида яшовчи туғма ногирон Турсуной Эргашева учун ўша кун бир умр унутилмас бўлиб қолган бўлса, ажабмас. Боиси шу куни олтинчи синф ўқувчиси Турсунойга "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда туман бўлинмалари томонидан компьютер жамланмаси совға қилинди. Қизалоқнинг қувончини кўрсангиз эди!.. Энди дарсларни ўзлаштириш янада осонроқ кечади. Яхшиларнинг бу мурувватига жавобан "аъло" баҳоларга ўқиш зарур!.. Шундай бўлмоқда ҳам.

Юрт жамоли — фарзанд камолида

Фарғона вилоятида Турсуной Эргашева каби "Маҳалла" жамғармаси ҳамда саховатпеша инсонларнинг беғараз мадади туфайли ўксик кўнгилларига ёруғлик, ҳаётга муҳаббат уйғонган ногирон болалар кўплаб топилади. Бағдод туманининг Самарқанд қишлоғидан 9-синф ўқувчиси С.Жўраев, Риштон туманининг Қайрағоч қишлоғидан Х.Норматов, тошлоқлик Х.Мансурхўжаева, Э.Йўлдошевларга ҳам Баркамол авлод йили унутилмас йил бўлиб қолди. Уларга жамғарманинг вилоят бўлими томонидан компьютер жамланмаси ва ногиронлар аравачаси инъом этилди.

— Ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳамиша диққат-эътиборимизда. Улар ҳам жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида барча неъматлардан баҳраманд бўлишга ҳақли, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Қобилжон Ҳасанов. — Аҳолининг моддий ва маънавий кўмакка муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш жамғармамизнинг бош вазифаси ҳисобланади. Йил бошидан буён бўлимимиз ҳисобидан кам таъминланган оилалар учун 96 бош қорамол ажратилди. Шунингдек, ҳомийлар ҳам бундай оилаларга моддий кўмак беришга астойдил бош қўшишяпти.

Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак", деган доно ўгити Фарғона аҳлига ҳамиша дастуруламал вазифасини ўтаб келмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари, оилавий маросимларида бу ҳол айниқса, яққол сезилади. Иттифоқо, биз яқинда ана шундай тўйлардан бирининг гувоҳи бўлдик. Айтишларича, шу куни қўштепалик Р.Турсуновнинг тошлоқлик С.Зокирова билан никоҳ тўйлари ўтказилаётган экан. Камхаражат, дабдабасиз, файзлигина ўтган тўй иштирокчиларнинг ёдларидан узоқ вақт чиқмаслиги аниқ.

"Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлимидан маълум қилишларича, кам таъминланган оилаларнинг тўй ва бошқа маросимларини ўтказишлари учун жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 87 миллион 900 минг сўм маблағ ажратилибди. Бундан ташқари ўқув юртларида таҳсил олаётган ногирон талабаларнинг аризалари ҳам имкон қадар қондирилиб, уларнинг ўқув шартномалари учун жамғарма ҳисобидан 3 миллион 675 минг сўм ёрдам тариқасида ўтказилибди.

Хуллас, бундай хайрли ишлар вилоятда кўп. Бир майизни қирқ бўлиб еган халқнинг бу асрий анъаналари ҳали ўзининг янгидан янги қирраларини намоён этавериши шубҳасиз.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Mahalla" муҳбири

Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги

ФАНДА ОЛИМЛАР, СПОРТДА ЧЕМПИОНЛАР...

Бунга эришишда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади

Ёш авлод тарбияси ўз келажагини ўйлаган халқ учун барча замонларда энг долзарб вазифа бўлиб келган. Таълим-тарбия эса бир қарашда фақат мактабда амалга ошириладигандек туйиладию аслида ундай эмас.

Дарҳақиқат, халқимизнинг болалар тарбиясига жиддий қараши нафақат оилада, балки қўни-қўшнилар-нинг фарзандларию маҳалланинг ёшларга бўлган муносабатида ҳам яққол сезилиб туради. Яхши тарбия кўрган, одобли, билимли болаларни рағбатлантириш, дарсларни яхши ўзлаштиролмайдиган, кўп дарс қолдирадиган ўқувчиларни тартибга чақириш маҳалла фаолларининг бурчидир. Ҳеч қачон танбеҳ эшитган бола: «Сизнинг мен билан нима ишингиз бор?», «Менинг кимим бўласизки, тергайсиз?», дея гап қайтармайди. Бунинг сабаби, менталитетимизга хос фазилат: катталарнинг кичикларга йўл-йўриқ кўрсатиши, уларни тўғри йўлга бошлаши, кичикларнинг эса ёши улуғларга қулоқ солиши лозимлиги туфайлидир.

Тайлоқ туманидаги Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қўрғонча», «Бахшитепа», «Қовчинон», «Наққашон» маҳаллаларида 16,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Қайси қишлоқда, мактабда, касб-ҳунар коллежида бўлманг, юқорида айтилганидек, изчил ҳамкорликнинг шоҳиди бўласиз.

— Маҳалламизда иккита, яъни 51- ва 54-умумтаълим мактаблари мавжуд, — дейди «Қўрғонча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муртазоқул Мавлонов. — Баркамол авлод тарбияси бўйича боғча ва мактаблар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Маҳалла фуқаролар йиғинида боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари, тарбиячи, ўқитувчилар тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

Мактаб ва боғчалардаги кенгашларда, ота-оналар йиғилишларида маҳалла фаоллари, албатта, иштирок этади. Ибратли ишларни рағбатлантириш, оммавийлаштириш, камчиликларни бартараф этишда ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. 51-умумтаълим мактаби ота-оналар кенгаши раиси Раҳима Латипова, 54-умумтаълим мактаби ота-оналар кенгаши раиси Фахриддин Раҳимовлар маҳаллада тез-тез бўлишиб, таълим-тарбияга оид йиғилишларимизда қатнашишади. Кам таъминланган оила фарзандларини кийим-бош билан таъминлаш, аълочи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларида маслаҳатлашиб иш юритамиз.

Болалар тарбиясида ижобий натижаларга эришаётган намунали оилалар билан биргаликда фарзандларининг ўзлаштириши қониқарсиз бўлган оилаларга ёрдам бериш ҳам яхши йўлга қўйилган. Биргина мисол. Оилаларнинг 90 фоизида болалар учун алоҳида дарс тайёрлаш, мустақил ишлаш шароитларининг яратилишига эришилган. Яъни стол, стул, китоб жавони, стол ёриттичи, ихчам доска, глобус, Ўзбекистон ва жаҳон хариталари билан жиҳозланган дарсхоналар ташкил этилди. Натижада мактабларда давомат, ўзлаштиришда яхши томонга ўзгариш сезилди.

Оилалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг мактабдан ташқаридаги юриш-туришларини янада яқинроқдан назорат қилиш мақсадида мактаб ўқувчиларига оилаларни бириктириб қўйилгани ҳам яхши натижалар бермоқда. Масалан, 54-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Нодира Муродовага Катта қишлоғининг 1-кўчасидан 14 та хонадон бириктирилган. Муаллима ана шу кўчанинг, ўзига бириктирилган хонадонларнинг саранжом-сарištалигидан, тартиб-интизомидан, ўқувчиларнинг дарс тайёрлашлари, тўтаракларда қатнашишларидан доимо хабардор.

Оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигида спортга, айниқса, болалар спортига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ фуқаролар ҳудудидаги барча маҳаллалар ёшлари дарсдан кейин спорт залларидан самарали фойдаланишмоқда. Масалан, «Бахшитепа» маҳалласида 15-умумтаълим мактаби жойлашган. Бу ерда спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланиш имконияти катта. Маҳалла посбони Худойберди Жабборов спортнинг самбо, каратэ турлари бўйича тўгараклар ташкил этган. Унда 42 нафар бола мунтазам қатнашмоқда. Гулмира Исматова ҳам ана шу тўгаракнинг фаол аъзоларидан бири эди. У олимпия заҳиралари спорт коллежини битирди. 2008 йилда Гулмира кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Айни пайтда ўзи ўқиган коллежда ўқитувчилик қилмоқда.

Коммунал хизматлар сифатини яхшилаш коммунал тўловларнинг вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Бу борада ҳам оила, маҳалла мактаб ҳамкорлиги ғоятда муҳим ўрин тутади. Ўқитувчилар газ, электр энергияси ва барча турдаги солиқ тўловларининг вақтида, ихтиёрий тўланишининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ёшлар онгига сингдириб боришади. Бугунги ўқувчилар эса ҳадемай оила бошлиғи, интизомли коммунал хизматлар тўловчиси, солиқларни ихтиёрий амалга оширувчи оила эгаси бўлишади. Аҳолининг коммунал хизматларидан фойдаланиш маданияти шаклланиб бораётгани оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида олиб борилаётган тушунтириш ва амалий ишлар самарасидир.

Биз қишлоқ фуқаролар йиғинидаги айрим маҳаллаларда ҳамкорликда қилинаётган ишлар тўғрисида қисқача тўхталдик. Аслида ҳам қайси маҳаллада тарбия масаласига ҳамкорликда ёндашилса, изчиллик ва назоратга эътибор қаратилса, ўша жойда кўзланган мақсадга эришилади. Ўша маҳалладан фанда таниқли кишилар, спортда жаҳон чемпионлари, меҳнатда қаҳрамонлар етишиб чиқади. Баркамол авлод ана шундай маҳаллаларда камол топади.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» муҳбири.

Намунали маҳалла

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК

— Истиқлол йилларида маҳалланинг қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада ошди, — дейди Чиноз туманидаги «Хўжа» маҳалласи оқсоқоли Собир ака Раҳимов. — Айниқса, тадбиркорларга, ҳунармандларга, қўйингки, ишлайман деганларга кенг имкониятлар эшиги очилди. Шу боис маҳалламизда тадбиркорлар, ҳунармандлар кўп. Бу эса масканимизнинг янада ободонлашувида муҳим омил бўлаётир.

2005 йили тадбиркор Қобилжон Маҳмудовнинг кўмагида замонавий гузар қурилди. Бу мажмуада бугун маҳалла фуқаролар йиғини, маърифат хонаси, миллиция таянч пункти ва бошқа инфратузилмалар фаолият юритмоқда. Маҳалла ҳудудидаги «Отажон ҳожи» гузарида турли тадбирлар, тўй-тантаналар ўтказилади. Маҳалладаги 705 та хонадонда 3800 нафар фуқаро истиқомат қилади.

— Маҳалламиз аҳолисининг аксарияти ҳалол меҳнат билан турмуш кечираётган имонли-диёнатли инсонлар, уста-ҳунармандлар, — дейди оқсоқол. — Улар оилалари фаровонлиги йўлида қунт билан ҳаракат қилишмоқда. Фаровонликнинг манбаи эса албатта, меҳнат эканлигини маҳалладошлар яхши билишади. Уста-ҳунармандлар, дурадгору новвойларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Шу боис бизда касаначилик ҳаракати, «Устоз — шогирд» анъанаси кенг ёйилган.

Дарвоқе, маҳаллада «Устоз — шогирд» анъанаси асосида ёшлар турли касбларга йўналтирилаётир. Бу борада миллий ҳунармандчилик бўйича Ўлмас Абдурасулов, Санобар Ҳожиева, Қодир Усмонов, дурадгорлик бўйича Камол Рустамов, Аброр Одилхонов, Дилшод Камолов, Аҳмад Рўзиев, тикувчилик бўйича Мунаввар Ражабова, Дилором Акромова, Мукамбар Йўлдошова, қандолатчилик йўналиши бўйича Садоқат Турғунова, Наргиза Зафарова олиб бораётган ишлар ибратга арзигулиқдир. Ҳар йили 30 га яқин маҳалла ёшлари ҳунар ўрганмоқда, иш билан таъминланмоқда. Дарвоқе, Собир аканинг ўзи моҳир ошпаз. Ўнлаб ёшлар у кишидан ошпазлик сирларини ўрганишиб, тўй-тантаналарда, ошхоналарда хизмат қиляпти.

— Маҳалла ҳам оилага ўхшайди, — дея суҳбатни давом эттирди Собир ака.— Бир ота-онадан туғилган фарзандларнинг бири мўмин-қобил, иккинчиси шўх-шаддод, ўжар бўлиши, ҳаттоки баъзилари турли ножўя ишларга қўл уриб, ортиқча ташвиш туғдириши мумкин. Лекин, нима бўлганда ҳам, муаммони ташқарида эмас, ичкарида ҳал қилган маъқул.

Бунга амал қилган маҳалла фуқаролари йиғини кенгаши аъзолари милиция таянч пункти профилактика инспекторлари Жалол Аҳмедов ва Олимжон Холмирзаев билан бамаслаҳат иш тутадилар.

— Фуқароларимиздан бири топган пулига ичиб, оиласига, кўни-қўшнисига ташвиш туғдираётган эди, — дейди профилактика инспектори Жалол Аҳмедов. — Уни туман ички ишлар бўлимига олиб бориб, белгиланган тартибда чора кўришга қарор қилдик. Аммо оқсоқол қароримизни маъқуллама-ди. Мулоҳаза қилиб кўрсам, у киши ҳақ экан. Ахир, топган-тутганини ичкиликка сарфлаётган шахсга жарима қўлланса, ўзи шундоқ ҳам ночор аҳволда яшаётган оила аъзоларининг ризқи қийилмайдими? Хуллас, ўша кишини бир неча марта маҳалла идорасига чорлаб, тартибга чақирдик, тез-тез оиласидан хабар олиб турдик. Қарангки, у ўзгариб, ичкиликни ташлади.

Ҳа, «Хўжа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, йиғин кенгаши, йиғин қошидаги комиссиялар аъзолари маҳалла аҳли билан бир оила фарзандларидек бирикиб, тинч, аҳил яшаётгани, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун интилишаётгани қувонарлидир.

Ҳабиба ШЕРОВА,
«Mahalla» мухбири.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш

ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бугун барчамизнинг ҳаётимизда маҳаллалар янгича мазмун, янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Одамларнинг тафаккурида, турмуш тарзларида, ҳатто орзу-ҳавасларида ҳам бундай ўзгаришни ҳис этасиз. Туманимизда 20 та қишлоқ ва 41 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг қай бирига борманг, қишлоғимда ёки маҳалламда бир янгилик қилай, деб елиб-югуриб юрган одамларни учратасиз.

Тадбиркорнинг чойхона ёки савдо дўкони қуриб фойдаланишга топширгани ёки бир маҳалладошига моддий ёрдам кўрсатгани бугун одатий ҳолга айланиб қолди. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, кенгфеъллигию, қўли очиқлигидан кўнгил ғурурга тўлади. Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, элимиз ўртасида маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинларининг, оқсоқолнинг обрўси жуда баланд. Каттаю кичик суянадиган, ишонадиган идорага айланган бугун маҳалла.

Албатта, маҳаллаларимизда кўп болали оилалар, ногиронлар, қаровчиси йўқ қариялар ҳам бор. Улар фуқаролар йиғинларимизнинг доимий эътиборида, Бўлинмамиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинади. Биз ҳеч бир кишининг мурожаатини беэътибор қолдирмасликка ҳаракат қиламиз. Шу кунгача 142 нафар оилага 10 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик. Уймовут қишлоғида яшовчи Дилбар Тўраева ўғли Умидбекнинг билим олишга иштиёқи баландлиги, лекин имконияти чеклангани ҳақида айтиб, компьютер олиб беришга кўмаклашишимизни илтимос қилди. Ҳақиқатан ҳам, Умидбекнинг қобилиятли, илм олишга иштиёқи баландлиги боис унга жамғармамиз ҳисобидан компьютер совға қилдик.

Кам таъминланган оилалар билан бирга ёш оилаларни ҳам қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу, сўзсиз, ёшларимизда маҳаллага бўлган меҳр-муҳаббатни кучайтиради. Фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда 14 нафар янги турмуш қураётган келин-куёвларга 200 минг сўмдан ёрдам пули улашдик. Шунингдек, хатна тўйи қилаётган бешта кам таъминланган оилага 1 миллион 200 минг сўм пул тарқатдик. «Паканди» маҳалласида истиқомат қилаётган кўп болали она Саломат Холбекова турмуш ўртоғи ногиронлигини айтиб, ёрдам сўраган эди. Жамғарма ҳисобидан бу оилага қорамол совға қилдик. Ундан бошқа яна 14 та шундай оилага ҳам қорамол ажратдик.

Туманимиздаги Хўжақўрғон қишлоғи ҳудудидан Қашқадарё дарёси оқиб ўтади. Дарё бўйидаги айрим хонадонларга кўкламда сел зарар етказганди. Жамғармамиз ҳисобидан бу оилаларга 200 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Уйи жиддий зарар кўрган беш оилага эса ҳовлижой қуриш учун туман ҳокимлиги томонидан ер ажратилди. Ҳомийларнинг кўмаги билан шу уйларни қуриб, эгаларига топширдик. Ана шундай пайтларда бир-бирини қўллаб-қувватловчи, саховатпеша элимизнинг борлигидан фахрланасан киши.

Фалокат оёқ остида, дейишади. Уйшин қишлоғидаги иккита хонадонда фалокат туфайли ёнғин чиқиб, тураржойларга анча зиён етди. Шундай пайтларда маҳалланинг, кўни-қўшнининг ўрни, ёрдами жуда билинади. Зарур қурилиш материаллари учун моддий маблағ ажратдик, иморатлар ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг соғлом бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Хумо қишлоқ фуқаролар йиғинида болалар шуғулланадиган спорт майдончаси, ҳатто тузукроқ ўйингоҳ ҳам йўқ эди. Туман ҳокимлигига хат билан мурожаат қилиб, фуқаролар йиғини ҳудудидан спорт майдончаси учун ер олдик. Айни пайтда дастлабки ишларни бошлаб юбордик. Ерни текислаб ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Низомий номидаги Тошкент педагогика университетига ўқишга кирган Лола Эшмуродовании бир йиллик шартнома пулини тўлаб бердик. Шунингдек, 19-махсус мактаб-интернати ўқувчиларига 2 миллион 300 минг сўмлик кийим-кечак, дарсликлар ва ўқув қуроллари ҳадя қилдик. Йигит-қизларимизни қадим қадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг маданий меросидан уларни баҳраманд қилиш ниятида тарихий манзилларга саёҳат уюштирдик. Ёшларимиз Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд сингари тарихий шаҳарлардаги қадимий обидалар, буюк Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган бетакрор иморатлар билан яқиндан танишдилар.

Туманимизда ҳам халқимиз асрлар оша асраб-авайлаб келаётган тарихий қадамжолар мавжуд. Жумладан, Лангар ота ва Дурсун ота сингари муқаддас манзиллар аждодларимизнинг неча минг йиллик тарихини ўзида мужассам этган. Уларни ободонлаштириш, яқин атрофдаги маҳаллаларни янада кўркамлаштириш мақсадида 12 миллион сўм маблағ ажратдик. Бугунги кунда бу қадим манзилларда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли билан ишлашни янада яхшилаш мақсадида уларниг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинига компьютер олиб бердик. 6 та маҳалла фуқаролар йиғинини эса замонавий жиҳозлар билан таъминладик. Хуллас, жамғармамиз ҳисобидаги маблағлар ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши орқали маҳалла ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги ошяпти.

Бердимурод ЖЎРАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси
Чироқчи туман бўлинмаси раиси.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 14-оилавий поликлиникада аҳоли соғлиғини сақлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Поликлиника замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Ҳозирда бу тиббий масканда "Ҳофиз Кўҳакий", "Ҳастимом", "Ибн Исмоил Шоший", "Гузарбоши", "Қўштут", "Чустий", "Эски шаҳар" ҳамда "Чиғатой дарвоза" маҳаллаларининг 27700 нафардан зиёд аҳолисига 164 нафар малакали тиббий ходимлар хизмат кўрсатмоқда.

Носир Ҳайдаров фотолавҳаси.

Менинг маҳаллам

«ИЛҒОР» ҲАМИША ПЕШҚАДАМ

Мен пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида яшайман. Маҳалламиз ўзининг ибратли анъаналари, меҳмондўст фуқаролари, донишманд қариялари, одоб-ахлоқли йигит-қизлари билан ном қозонган. Маҳалламиз дастлаб «Кўкча» деб аталган. Мевали боғлар билан бурканган бу масканга иккинчи жаҳон урушидан сўнг одамларнинг уй-жой қуришига рухсат берилган. Кейинчалик маҳалла «Илғор» номи билан юритила бошланди.

Кейинги йилларда маҳалламиз ҳудудида иккита ҳовуз қазилиб, кўчаларга ариқлар тортилди. Хонадонлар ичимлик суви билан таъминланди. Учта жойда кўприк қурилди, ички кўчалар текисланиб, тартибга келтирилди. Ҳовлиларга, кўчалар четига мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Бугун маҳалламиздаги 1300 та оилада 8 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпи хотин-қизлар. 450 нафар кексага, жумладан, саккиз нафар уруш қатнашчиси ва юз ёшга яқинлашаётган мўътабар зотларга икки мингдан зиёдроқ ёшларимиз ғамхўрлик кўрсатиб келяпти.

Одамийлик фазилати табассум ила айтилган бир оғиз ширин сўзда акс этишини ёшлар қалбига сингдириб, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиб, жамоани бошқаришда истиқлол берган имкониятлар асосида иш юритаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Зокиров миллий қадрият ва анъаналаримизга катта эътибор қаратмоқда. Катта ҳаёт ва раҳбарлик тажрибасига эга бўлгани, иқтисод ва ҳуқуқ масалаларини яхши билгани, адолатли иш юритаётгани туфайли маҳалланинг ҳақиқий оқсоқолига айланган. Бугунги кунга келиб маҳалламиз ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди, маданий-маърифий ишлар кўлами кенгайди. Қадриятлар эъзозланиб, шарқона анъаналар сайқаллашиб бормоқда.

Қувончли кунида ҳам, бошга ташвиш тушганда ҳам оқсоқол маҳалладошларига елкадош. У кўмакка муҳтож, жисмоний имконияти чекланганлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб келяпти.

Куюнчак оқсоқолимизнинг саъй-ҳаракати билан байрамлар арафасида маҳаллада покизаликка алоҳида эътибор қаратилади, ҳашарлар уюштирилади. Бу тадбирлар одатий тус олган. Жорий йилда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлсин» шиори остида ҳамшаҳарларга мурожаатидан руҳланиб, 15 сентябрдан 15 октябрга қадар маҳалламизда ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ўтказдик. Мавжуд 26 та кўча, ҳовлилар, кўпқаватли уйлар атрофи тозаланди.

Бундай ободонлаштириш ва тозалик ойлигидаги саъй-ҳаракатларимиз кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани бизни қувонтиради. Биз фахрийлар юртимиз ободлиги ва фаровонлиги йўлида ёшларга ибрат бўлишни, уларни эзгу мақсадларга сафарбар этишни ҳамиша бурчимиз, деб биламиз.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
меҳнат фахрийси.

Томорқа — хонадон хазинаси

МИРИШКОРЛАР ЮРТИ

Аксариятимиз табиат неъматларидан баҳраманд бўламизу, аммо уларни етиштирган, дастурхонимизга тортиқ этган меҳнат соҳибини ёдга олавермаймиз. Ҳолбуки, бизга таъми ҳамда чиройи билан завқ-шавқ берадиган неъматлар замирида деҳқоннинг йиллар давомида чеккан заҳматлари мужассам. Эътиборлиси, юртимизда соҳибкор деҳқонлар меҳнати туфайли донг таратган масканлар кўплаб топилади. Хусусан, Олтиариқ тумани ҳам ўзининг бодринг ва тилёрар узумлари билан эл оғзига тушган. Туманнинг исталган қишлоғи ёки маҳалласига йилнинг қайси фаслида борманг, албатта, тер тўкиб меҳнат қилаётган деҳқонларни учратасиз.

Масалан, туманнинг "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида соҳибкор Мансурхон ака Бузрукхонов яшайди. Мансурхон ака етиштираётган узумларнинг таъми тилни ёргудек ширин. Салкам 60 ёшни қаршилаётган Мансурхон ака узоқ йиллардан буён томорқасида фақат узум етиштиради. Унинг тиниб-тинчимаслиги, меҳнаткашлигини маҳаллада тан олмайдиган кишининг ўзи йўқ, 6 сотих томорқасида 60 тупдан зиёд ток бор. Бирор сотих ер бекор ётмайди. Ҳатто кўчаси ҳам узумзор. Мансурхон ака билан олтиндек товланиб турган узумлар оралаб юрарканмиз, суҳбатимиз узум навлари, ток парвариши ҳақида кечди.

— Маҳаллий ўғит — гўнг, чиринди токнинг жони. Мен гўнгни бошқалар каби ўра ковлаб кўммайман. Аксинча ер юзасига қалин қилиб сочаман, сўнг имкони борича чуқурроқ қилиб чопаман. Қиши билан ёққан ёмғир, қор сувлари гўнгни эритиб, токнинг илдизига йил бўйи бир меъёрда қувват бериб туради, — дея тажрибасини мароқ билан гапиради соҳибкор. — Қиш чилласида яхоб қўяман. Ёз фаслида эса икки маротаба сувга қондираман. Бу ишларда ҳамиша менга оилам, фарзандларим камарбаста. Аммо биласиз, Олтиариғимиз чинакам миришкору соҳибкорлар юрти. Улардан узумчилик борасида ҳали ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

Суҳбат асносида соҳибкорнинг яна бир сиридан огоҳ бўлдик. Биз кўпинча хомток қилишни узумнинг гулиданоқ бошлаймиз. Мансурхон ака бундай қилмас экан.

— Барг узумнинг ўпкаси, — дейди соҳибкор. — Мен баргни то сўнгги узум боши узилмагунча олмайман. Лекин кейинчалик чиққан бачки баргларни олиб туриш керак.

Таъкидаш керакки, Олтиариқ туманидаги қишлоқ ва маҳаллаларда яшаётган аҳоли деҳқончилик ва боғдорчилик касбини улуғлаб келишади. Туманда бирорта ҳам хонадон йўққи, узум ёки бодринг етиштирмаса. Водий бозорларини тўлдириб турган узум ва бодринг маҳсулотларининг аксар қисми ҳам айнан Олтиариқ тумани ҳиссасига тўғри келади.

— Мансурхон ака сингари миришкорлар сафи яна ҳам кенгайиб бораётгани қувонарли ҳол, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлинмаси бош мутахассиси Турғунпошша Ғаниева. — Ободонлаштириш ишларида, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда доимо боғбон ва фермерлар кўмагига суянамиз. Шунингдек, уларнинг кўмагида қишлоқ ва маҳалла, туман миқёсида маънавий-маърифий ишларга дахлдор кўнгилочар тадбирлар ташкил қиламизки, бу кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Опанинг айтишича, қаҳрамонимиз Мансурхон ака узоқ йиллар маҳаллага оқсоқоллик қилган экан. Томорқадаги боғдорчилик ишларидан ортиб, ҳозир ҳам маҳаллада бўладиган ҳар қандай тадбирда бош-қош бўларкан. Кўпчиликни шунча меҳнат эвазига эришиладиган даромад ҳам қизиқтириши табиий. Бу борада шуни айтиш керакки, ҳар бир ток ўртача 50-60 килограммдан ҳосил беради. Демак, 60 туп токда ўртача 3-3,5 тонна ҳосил бор. Айни ҳозирги пишиқчилик кунларида узумнинг бозордаги ўртача баҳосини 2 минг сўмдан ҳисобласак, Мансурхон аканинг даромади қанча бўлишини хомчўт қилиб олаверасиз. Ҳа, сизни яна йилига шунча даромад келтирадиган узум навлари ҳам қизиқтирар балки? Бу навлар ҳар биримизга таниш: ҳусайни, келинбармоқ, мерс...

Ҳа, юртимизда олтиариқлик Мансурхон ака Бузрукхонов сингари соҳибкор, миришкор боғбонлар бор экан, дастурхонларимиздан ҳеч қачон тоти тилни ёрадиган неъматлар аримайди.

Азамат МАҲМУДОВ,
"Mahalla" мухбири.

КОМПЬЮТЕР ЖАМЛАНМАСИ ОЛИБ БЕРИЛДИ

Андижон вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили 87 та маҳалла фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси олиб берилган бўлса, жорий йилда 157 та маҳалла жамғарма ҳисобидан ана шундай янги жиҳозлар билан таъминланди.

— Яқинда йиғинимизга жамғарманинг вилоят бўлими томонидан компьютер жамланмаси совға қилинди, — дейди Шаҳрихон туманидаги "Янги Найнаво" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Бўтаев. — Бу қулайлик йиғинимиз ходимларининг вақтини тежашга ва иш самарадорлигининг ошишига ёрдам беряпти.

Жамғарманинг вилоят бўлими, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда маҳалла фуқаролар йиғинларини янги бинолар билан таъминлашга ҳам астойдил бел боғлаган. Жорий йилнинг ўтган даврида 50 тадан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга бўлди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Обод қишлоқлар

ЭЛНИНГ ДУОСИ КЎНГИЛГА ҚУВВАТ

Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағрида жойлашган Авазмалик қишлоғи Шаҳрисабз туманининг обод ва кўркам масканларидан саналади. Истиқлол йилларида қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарди.

Аҳолининг газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Қатор маданий ва маиший объектлар ишга туширилди. Жумладан, қишлоқ врачлик пункти, 615 ўринли иқтисодиёт коллежи, 200 ўринли тўйхона, замонавий бозор қад ростлади. Ёшлар учун янги спорт мажмуаси барпо қилинди. Овқатланиш, савдо шохобчалари ташкил этилди.

Қишлоқ ҳудудидаги «Қорапойча», «Шамби», «Дўнг» маҳаллалари тумандаги энг обод, намунали маҳаллалардан ҳисобланади. Бу заминдан кўплаб илм-фан фидойилари, уста ҳунармандлар, моҳир қурувчилар етишиб чиққан.

— Мустақиллик даврида юртимизда асрга татигулик янгиланишлар, катта бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди Авазмалик қишлоғи фаолларидан бири, меҳнат фахрийси Ислом ота Рустамов. — Жумладан, Қаршида Одина жомеъ масжиди, шаҳар сардобаси қайта тикланди, «Эл-юрт таянчи» монументи ўрнатилди, Шаҳрисабзда Соҳибқирон Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Шунингдек, бошқа шаҳар ва қишлоқлардаги кўплаб тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари қайта таъмирланди. Мана шу эзгу ишларда бизнинг авазмаликлик қурувчиларнинг ҳам ҳиссаси борлиги кўнглимизни ғурурга тўлдиради.

Ҳа, ҳар бир инсон борки, қайси касбда бўлмасин, ўз соҳасини чуқур эгаллашга, ён-атрофдагиларга имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Авазмаликда бундай инсонлар талайгина. Уларнинг куч-ғайрати, ақлу салоҳияти билан мўъжаз қишлоқ янада файзли ва тароватли ҳудудга айланди.

— Қишлоғимиздан бунёдкор ва фидойи инсонлар етишиб чиққани билан фахрланамиз, — дейди Мўминобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Мирзаев. — Хусусан, моҳир қурувчи Эркин Мамадиёров каби фаоллар ташаббуси билан қишлоқ аҳолисига катта қулайликлар яратилди. Ҳудуддаги Иқтисодиёт коллежининг қуриб фойдаланишга топширилиши ёшларимизнинг ўқиб-ўрганиши, касб эгаллаши учун катта имконият эшигини очди. Айни пайтда коллеж ҳудуди кўркам масканга айланган. Бу ўқув даргоҳида нафақат ҳудудимиз ёшлари, балки атрофдаги кўплаб қишлоқларнинг йигит-қизлари замонавий жиҳозланган хоналарда таълим-тарбия олмоқдалар.

Қишлоқ аҳли эл корига яраётган қурувчию тадбиркор фарзандлари билан чин маънода фахрланади. Элу юртнинг дуоси бу каби инсонларга куч-қувват, уларнинг орзуларига қанот бағишлайди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
журналист.

Мутахассис — жамғарманинг таянчи

ҲАММАСЛАК ВА КЎМАКДОШ

Жиззах вилоятида оналик ва болаликни ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлаш, болаларнинг баркамол вояга етишига эришиш йўлида «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмаларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатиш, хотин-қизлар ва айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бераётир.

Вилоятдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий қадриятларни тарғиб қилиш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатларни бартараф этиш, уларнинг зарарли оқибатлари хусусида фуқароларга кенг тушунча бериш мақсадида турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ҳозирги кунда жамғарманинг вилоят бўлими ва туман бўлинмаларида 14 нафар бош мутахассис фаолият юритмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида улар томонидан маҳалла маслаҳатчиларига амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятлар 6 тага, нотинч оилалар сони 176 тага камайди. Жорий йилда 94872 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб, 38525 нафари соғломлаштирилди. Шунингдек, оилавий спортга жалб қилинган оилалар 47 тага, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кредитлар ажратилган аёллар сони 241 тага кўпайди.

Жамғарманинг хотин-қизлар масаласи билан шуғулланадиган бош мутахассислари йиғинларнинг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясига ҳаммаслак, кўмакдош. Маслаҳатчиларга тегишли ҳужжатларни жойларга етказиш, дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳам уларнинг зиммасида. Шу билан бирга, бош мутахассислар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, участка профилактика нозирлари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан биргаликда диний экстремизм, ақидапарастликнинг зарарли оқибатларидан аҳолини огоҳ этиш борасида ҳам самарали фаолият юритишмоқда.

Жиззах, Фориш ва Ғаллаорол туманларида бош мутахассислик лавозимига кадрларнинг тўғри танлангани боис, бу йўналишдаги ишлар анча жонланди. Мутахассислар ташаббуси билан кўрик-танловлар ўтказиш самарали иш олиб бораётган маслаҳатчиларнинг ижобий тажрибаларини оммалаштиришда алоҳида аҳамият касб этяпти.

Шунингдек, вилоятдаги мавжуд 243 нафар маслаҳатчи фаолиятини мувофиқлаштириш ҳуқуқига эга бўлган бош мутахассисларимизнинг кўпчилиги носоғлом муҳитдаги оилалар билан ишлаш, улардаги муаммоларни бартараф этиш, ёшлар орасида оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, маҳаллалар аҳли ўртасида миллий ва диний урф-одатлар ҳамда маросимларни ихчам ва замонавий ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказишда астойдил меҳнат қилишаётир. Уларнинг ўз ваколатлари доирасида шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар йиғини маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштиришдаги хизмати катта.

Феруза КАРИМОВА,
«Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими бош мутахассиси.

Молия муассасаларида

МИЖОЗ МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб беришдек муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланиб, жойларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда банклар хусусий тадбиркорлар, ишбилармонлар, фермерларнинг ишончли ҳамкори ва таянчига айланган. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш борасида акциядорлик тижорат "Асака банк" Сурхондарё вилояти филиали томонидан ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, мини банклар тармоғини кенгайтириш, акциядорлар ва бошқа мижозлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларга юқори даражада хизмат кўрсатишда ўз аксини топмоқда. Ишбилармонлар ўзларининг бизнес режалари орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни хоҳлашса, банклар томонидан белгиланган тартиб-қоидалар асосида турли кўринишдаги имтиёзли кредитлар ажратилаётир.

Хусусан, жорий йилда "Асака банк" Сурхондарё вилояти филиали томонидан 2010 йилда пахта етиштирувчи 17 та фермер хўжалигига 674,8 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, фермер хўжаликларга ўтган 9 ой давомида маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиши учун 1 миллиард 168 миллион сўм ҳамда техника сотиб олиш мақсадида 10 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидаги ҳамкорлик йилдан йилга яхшиланиб бораётганини ана шу мисоллар тасдиқлаб турибди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида филиал томонидан уларга барча молия манбалари ҳисобидан 7,4 миллиард сўм, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эса 7,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар кичик бизнес ва хусусий тармоқнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. Ажратилган кредитларнинг 2855,6 миллион сўми саноатга, 489,7 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 200 миллион сўми қурилишга, 293,2 миллион сўми маиший хизмат кўрсатишга, 3295,0 миллион сўми савдо-воситачилик учун ва 226,9 миллион сўми эса бошқа тармоқларга тўғри келади. Жумладан, "Камалак" хусусий корхонасига эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш учун 30 миллион сўм ҳамда "Пўлат Алп" хусусий фирмасига гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 50 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Эътиборлиси, ушбу кредитлар ҳисобига 166 та янги ишчи ўрини яратилди.

Кўплаб ривожланган давлатлар қаторида бизнинг мамлакатимизда ҳам савдо терминаллари орқали товар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида пластик карточкалардан фойдаланиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида банк филиали пластик карточка эгаларини янада кўпайтириш, карточкалар бўйича амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, уларга хизмат кўрсатувчи банкомат ҳамда савдо терминаллари инфратузилмасини ривожлантиришни изчил давом эттирди. Жумладан, шу йилнинг октябрь ҳолатига кўра филиал томонидан 288 та давлат ташкилоти ҳамда хусусий фирмалар, шунингдек, фермер хўжаликлари билан иш ҳақларини пластик карточкаларига ўтказиш бўйича шартномалар расмийлаштирилди. Шу кунгача филиал томонидан мижозлар учун 24836 дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 20176 дона карточка айнан иш ҳақи лойиҳа шартномаси орқали, 28 донаси корпоратив пластик карточка, 310 дона пластик карточка эса жисмоний шахсларга тарқатилган. Ушбу кўрсаткичларнинг йил сайин ўсиб бориши "Асака банк"нинг Сурхондарё вилояти филиали жамоаси мижозлар олдидаги вазифасини сидқидилдан адо этаётганлигидан далолатдир. Жорий йилнинг октябрь ҳолатига кўра мижозларнинг сўм пластик карточкасидаги қолдиқ маблағлари 1 миллиард 147 миллион сўмни ташкил этиб, 2009 йил октябрь ҳолатига нисбатан бу кўрсаткич 514,4 миллион сўмга ўсганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари филиал томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳамда аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа шохобчаларга жами 208 та терминал ўрнатилган. Айни пайтда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ва бошқа тўловлар учун 14 та терминал ишлаб турибди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони эса 194 тага етди. Пластик карточкаларнинг аҳоли учун яна бир афзаллик жиҳати шундаки, унга ўтказилган маблағ йўқолмайди, эскирмайди, ўғирланмайди, асосийси, даромад келтиради.

Банк универсаллигини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу кўп жиҳатдан юқори малакали ва тажрибали ходимларнинг ўз вазифаларига қай даражада ёндашувига ҳамда изланувчанлигига боғлиқ. Шу боис банкнинг вилоят филиали доимий равишда ўзининг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини кучайтириш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини қозониш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда. Бу эса мижозлар сонининг ошишига, нақд пул тушумининг кўпайишига хизмат қиляпти.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларнинг барча жабҳада фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бугун қайси соҳани олмайлик, уларда аёлларнинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Дарҳақиқат, бу йил филиал томонидан 291 миллион сўмлик кредит тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун сарфланди.

Шу ўринда, "Асака банк" Сурхондарё вилояти филиали томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламига имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш жоиз. Айни шу мақсадларда ҳозиргача 63 та кам таъминланган оилага 163,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари берилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш бўйича филиал томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар омонатчилар манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Омонатчиларга яратилаётган қулайликлар ҳамда омонатларнинг дахлсизлиги, давлат томонидан кафолатланганлиги минглаб омонатчиларнинг банкка бўлган ишончини янада оширмоқда. Ҳозирда мижозларга юқори даромад келтирувчи миллий валютада омонатлар жорий этилган. Хусусан, "Яхши ният", "Сармоя", "Туҳфа" каби омонат турлари аҳолининг бўш пул маблағларини қабул қилишга шай. Бугунги кунда филиалнинг 7 та мини банки ҳамда 4 та жамғарма кассасида жисмоний шахслар омонатлари билан ишлаш йўлга қўйилганлиги банкка жалб қилинадиган аҳоли бўш пул маблағлари миқдорининг ортиб боришига хизмат қилаётир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг асосий бўғини ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигига хизмат қиляпти. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори остида меҳнат қилаётган республикамиздаги йирик ва салоҳиятли банклардан бири Давлат акциядорлик тижорат "Асака банк"нинг Сурхондарё вилояти филиали ходимлари ҳам келгуси йилда улкан эзгу режаларни амалга оширишга астойдил киришишган.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

МЕҲР КЎЗДАЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК

— Оилавий келишмовчилик сабаб, келин ёш боласи билан отасиникига аразлаб кетган. Турмуш ўртоғи уни олиб келиш тарафдори, қайнана эса буни хоҳламаяпти. Бу ҳолатда қандай йўл тутардингиз?

— Жамиятимизда бир-бирига меҳрибон, иноқ қайнана-келинлар жуда кўп. Уларни кўриб, қани эди ҳамма оилаларда шундай бўлса, дея орзу қиламан. Аммо турмушда ҳар кимнинг яшаш тарзи, фикрлаш доираси турлича. Шунинг учун баъзида қайнана-келин ўртасидаги келишмовчиликларга ҳам дуч келамиз.

Қарийб тўрт йилдирки, маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келяпман. Вазифам тақозоси туфайли маҳалламиздаги оилаларнинг маънавий муҳитини барқарорлаштириш, турли муаммоли вазиятларда хотин-қизларга тўғри йўл кўрсатиш, уларга маслаҳат ва тавсиялар бериш менинг зиммамда. Шу йилнинг ўзида маҳалламизда учта оиладаги ўзаро келишмовчилик оқибатида келинлар аразлаб отасиникига кетган ҳолатга дуч келдим. Бу уч нафар келин билан суҳбатлашиб, воқеа тафсилотини суриштирганимда жанжал арзимаган сабаблардан келиб чиққани аён бўлди. Улардан бири намунали хонадонга келин бўлиб тушган. Аразлашининг сабаби, уйига кўп меҳмон келаётгани боис фарзандига қарашга вақт топа олмаётганмиш. Яна бири эрининг инжиқлиги, қўрс муомаласидан тўйганмиш. Учинчи келин эса қайнанасидан шикоят қилди. Икки нафарини оқсоқол ва Яраштириш комиссиялари аъзолари билан биргаликда муросага келтиришга эришдик. Бироқ учинчи оиладаги келишмовчиликни бартараф этиш қарийб бир йилга чўзилди. Бу вақт оралиғида кўп бора қайнана ва келин билан суҳбатлашдим, тушунтириш ишларини олиб бордим. Келин уйга қайтишга кўнди, бироқ қайнана унинг қайтиб келишини хоҳламади. Бир куни келинчакнинг эри ҳузуримга келиб, хотини ва боласини уйга олиб келишини, агар ота-онаси уларни қабул қилмаса, бошқа жойда яшашини маълум қилди. Бу вазиятда йигитга оғир бўлди: хотинидан кечай деса, эндигина атак-чечак қилаётган боласини кўзи қиймайди, иккинчи томондан, ота-онасини норози қилишдан ҳам қўрқади. Маслаҳатчи сифатида қайнананинг фикрини ўзгартириш учун маҳалламизда хотин-қизлар масалалари, оилавий муносабатларга бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга таклиф қилдим. Бу ҳам фойда бермагач, йигитни ёнимга олиб, келинни биргаликда уйига олиб келдим. Қайнана менинг олдимда уялди, шекилли, келинига бир оғиз ортиқча гап гапирмади. Келин ҳам қўлидаги боласини қайнанасига бериб, уй юмушларини бажаришга киришиб кетди. Ахир, меҳр кўзда, деб бекорга айтишмаган экан. Бир-икки кун бу оила ҳақида қўшнилардан сўраб турдим. Уларнинг айтишича, қайнана-келин анча иноқ бўлиб қолишибди. Шунинг учун ҳам баъзида ўн мароталаб тушунтиргандан кўра бир марта чора қўллаш афзалроқмикан, деб ўйлаб қоламан. Маҳалла фаоллари бошчилигидаги ҳар бир ҳаракатимизнинг мақсади — оилалар аҳиллиги, хонадонлар фаровонлигини таъминлаш. Бунга эса тинчлик ва хотиржамлик, беминнат меҳнатимиз орқалигина эришамиз.

Малоҳат АМИНОВА,
Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи маслаҳатчиси.

Дунёдан дараклар

ЖИНОИЙ ИШЛАР ҚАЙТАДАН ТЕКШИРИЛАДИ

Краснодар ўлкасининг Кушевская станицасида жорий йилнинг 5 ноябрь куни бир хонадонда 12 киши ўлдириб кетилган эди. Шундан сўнг ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб, бир неча киши қамоққа олинди. Дастлабки тергов натижаларида аниқланишича, станицада бир неча йил давомида уюшган жиноий гуруҳ фаолият олиб борган. Улар қилган жиноятлар маҳаллий ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан асоссиз ёпиб юборилган.

Куни кеча ҳаракатдан тўхтатилган 12 та жиноий иш юзасидан яна тергов ишлари бошланди. 16 ноябрь куни оммавий ахборот воситаларида 220 та ёпилган жиноий иш қайтадан текширилаётгани ҳақида хабар пайдо бўлган эди. Лекин у ҳозирча расман тасдиғини топмади.

Жиноят содир бўлган жойда Россия прокуратураси тергов қўмитаси вакиллари иш олиб боряпти. Қўмита раҳбари Александр Бастрикин аҳолига мурожаат қилиб, жиноятларни очишда ёрдам беришларини сўради.

ПОЛИЦИЯ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Германияда террор хавфи ошиши туфайли мамлакат жиноят полициясининг ходимлари иттифоқи ҳукуматга мурожаат қилиб, бундесвер ҳарбий хизматчиларини ёрдамга юборишини сўради.

Жиноят полициясининг раиси Клаус Янсеннинг айтишича, мамлакатда террор хавфи билан боғлиқ жиддий ҳолат келгуси йилнинг бошигача сақланиб қолиши мумкин. Шу боис кам сонли жиноят полициясининг вакиллари вазиятни охиригача назорат қилиши қийин кечади.

Клаунинг таъкидлашича, полицияга ёрдамни фақат аскарлар бериши мумкин. Чунки полицияни янги ходимлар ҳисобига кўпайтириш ва уларни террорчиларга қарши курашга тайёрлаш кўп вақтни талаб қилади.

Ҳукумат «Ал-Қоида» гуруҳи террорчиликни амалга ошириши мумкинлигидан хабар топгандан сўнг, яъни 17 ноябрдан бошлаб мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

ИНҚИРОЗ ХАВОТИРНИ КУЧАЙТИРДИ

Ирландия Европа Иттифоқига ва Халқаро валюта фондига ёрдам сўраб расман мурожаат қилди. Ўз навбатида бу икки тузилма ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Ирландия ҳозирча йиллик 5 фоиз шарти билан кредит олишга рози.

Бундан сал олдинроқ ЕИ ва ХВФ вакиллари вазият билан жойида танишиш мақсадида Ирландияга келишганди. Гап шундаки, Европа давлатлари Ирландия молия бозорига миллиардлаб евро маблағ киритган. Мамлакатдаги молия институтларининг инқирозга учраши бутун Европа иқтисодига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. ЕИ шундан хавотирда.

France-Presse хабарида айтилишича, жаҳон молиявий инқирозидан Ирландия 80-90 миллиард евро зарар кўрган.

ЭНГ ХАВФЛИ ШАҲАР

CBS News хабарига қараганда, Миссури штатидаги Сент Луис шаҳри АҚШдаги энг хавфли шаҳар, деб топилган. CQ Press ташкилоти олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, Сент Луисда ҳар юз минг нафар аҳолига икки мингтадан кўпроқ оғир жиноят тўғри келган. Бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача ҳар юз минг нафар кишига 429,4 тани ташкил этади. Ўтган йили ушбу рўйхатнинг бошидаги жойни Нью Жерси штатидаги Кэмден шаҳри эгаллаганди.

Таъкидлаш жоизки, Нью Йорк штатидаги Колони шаҳри кетма-кет иккинчи марта энг хавфсиз шаҳар, деб топилди.

Маҳалла жонкуярлари

КАЙВОНИ

У уйига киришга ботина олмай турган болани кўриб орқасига қайтди. Ўйчан, маъюс, кимдандир нажот истаб турган боланинг бошини силаб, уни бағрига босди.

— Жоним сендан айлансин, болам! Нега уйингга кирмай турибсан? Нега кўзингда ёш? Мендан яширма, айт болам, айтақол!

— Ойим... ойим кетиб қолди. Уни уйдан ҳайдашди. Мен ҳам ойим билан кетмоқчи эдим, қўйишмади...

Ширин опа болакайнинг қўлидан тутганча дарвозани тақиллатди. Эшик очилди. Салом-аликдан кейин Ширин опа билдики, хонадондаги келин отасиникига кетиб қолибди. Сабаби айтишга ҳам арзимайди: «пиширган овқати шўр, ҳовлини вақтида супирибсидирмайди», хуллас, шунга ўхшаш майда гап-сўзлар.

— Уйингизга келин бўлиб тушган қиз бамисоли ниҳол. Уни меҳр билан парваришлаш керак. Ана шунда ўсиб-унади, мева беради. Келинни ўз фарзандингиздек қабул қилишларингиз зарур. Сизлар эса... Эҳ, жоним айлансин сизлардан. Бунақаси кетмайди. Бугуноқ бориб келинни олиб келамиз. Ўзим бирга бораман.

Ширин опанинг саъй-ҳаракатлари билан келин хонадонига қайтди. Қайната, қайнана ўз хатоларини тушунишди. Энди боланинг шодлигини кўрсангиз!.. Ҳар гал Ширин опани кўрганда югуриб йўлига пешвоз чиқади.

— Ширин опанинг қай бир яхшилигини айтай? — дейди маҳалла оқсоқоли Ғайрат Юсупов. — У чинакам қайвони, фидойи, бизнинг таянчимиз, мададкоримиз. Маҳалла хотин-қизлари кенгашига раислик қилади. Қандай масала, муаммо бўлмасин, уни ижобий ҳал этади. Айниқса, тўй-маъракa, маросимларни ихчам, файзли ўтказишда тажрибаси бошқа маҳалларга ибрат бўлгулик.

Оқсоқол Ширин опанинг қайвонилиги хусусида кўп яхши гапларни айтди, мисоллар келтирди. Биз эса Хива шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласида бўлиб, Ширин Обидованинг хайрли ишлари билан танишиб, унинг чиндан ҳам элпарвар аёллигига тан бердик. У нафақага чиқишдан олдин шаҳардаги 9-умумтаълим мактабида ўттиз йил ёшларга сабоқ берган. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, қатор кўрик-танловлар ғолиби бўлган. Мана, тўққиз йилки, маҳалла Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясига раислик қилиб, элюрт ҳурмати, эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Унинг бевосита ташкилотчилиги билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган. Ўқувчилар ўртасида «Мен истиқлол учун нима қилдим?», «Буюк боболарим — ўлмас даҳоларим» мавзусида иншолар танлови ўтказилиб, Мустақиллик байрамлари арафасида ғолиб ўқувчилар маҳалла фуқаролар йиғини томонидан рағбатлантирилиб борилади.

— Маҳалламиз гузарида санъат, спорт, ҳунармандчилик бўйича тўгараклар очиб, ўғил-қизларни уларга жалб қилганмиз, — дейди Ширин Обидова. — Бу эса ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли, мазмунли ўтказишда, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ширин Обидованинг назаридан четда қолаётган савобга дахлдор ишнинг ўзи йўқ. Каримбой Сапарбоевнинг ногирон фарзанди Беҳзодбекка хорижда ишлаб чиқарилган аравача олиб беришда, Ойбиби Матназарова, Жуманиёз Ашуров каби 16 нафар яккаёлғизлар ҳолидан хабар олишда, қиш фаслидан олдин муҳтожлар ҳовли-жойларини таъмирлашда, коммунал тўловларнинг вақтида тўланишида, маҳаллани кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришда Ширин Обидова бош-қош.

У умр йўлдоши Раҳимберган Бобожонов билан 2 ўғил, 3 қизни камолга етказди. Қайвонининг 20 нафарга яқин невара-чевараси бор.

Ширин Обидова дилкаш, самимий, айни пайтда, ўзига ва яқинларига нисбатан ўта талабчан. Бир ишга аралашса, охирига етказмай қўймайди. Исми ҳам жисмига монанд — ширинсўз. Икки гапнинг бирида: «Жоним сиздан айлансин...», дейди.

Ширин Обидова биз билан суҳбатда ўзининг «Тадбиркор аёл» республика кўрик-танловида ғолиб бўлганини айтмади. Бироқ биз бу хушхабардан огоҳ эдик. Шу куни маҳалла оқсоқоли Ғайрат Юсупов ва бир гуруҳ фаоллар билан ажойиб бир тадбирда иштирок этдик. Маҳалланинг жамоатчи, фаол аъзоси, узоқ йиллар тиббиёт соҳасида ишлаган Оймонжон Сапаева таваллудининг етмиш ёши нишонланди. Ширин Обидова онахонга ўз боғида етиштирган чиройли гулларни тақдим қилар экан, маҳалладошлар тилагини ўзига хос хуш каломда изҳор этди:

— Жоним сиздан айлансин!

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ибратли тўй

НАҲОРГИ ОШ ЎТКАЗИЛМАДИ

Шукрки, юртимизда халқимизнинг турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари натижаси ўлароқ шаҳар билан қишлоқ орасида фарқ қолмади ҳисоб. Ҳаракатда баракат деганларидек, меҳнат қилганларнинг рўзғори тўкин. Ҳамюртларимиз топганига уй-жой қуриб, тўй қилмоқда. Зеро, тўкин элга тўйлар ярашади-да.

Аммо шундай тўкинликнинг қадрига етмай тўқликка шўхлик қилаётганлар, тўй-маъракаларни тўрт-беш кунлаб давом эттираётганлар, исрофгарчиликка йўл қўяётганлар ҳам бор орамизда. Икки-уч йиллик даромадини фойдали ишларга сарф қилмасдан, бир кунлик тўйга совураётганларнинг учраб тургани эса ачинарли ҳолдир. Бундай дабдабабозлик билан ўтаётган тўйлар ҳақида: фалончининг тўйи, эҳ, жуда зўр тўй бўлди, деб бир-икки кун гапиришади, албатта. Кейин эса бу тўйнинг довруғи, шубҳасиз, унутилади. Аммо тўй учун олинган қарз ёки ортиқча гап-сўзлар йиллаб тўйчининг елкасини босиб турадиган юкка айланади.

Тўй билан боғлиқ бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Чиноз туманидаги «Катта тепа» маҳалласида ибратомуз ишлар йўлга қўйилган. Маҳалладаги тўй ва турли маросимлар Президентимизнинг 1998 йил 28 декабрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги фармони, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Республика хотин-қизлар қўмитасининг қўшма қарори билан маъқулланган тавсиялар асосида ўтмоқда. Яқинда маҳаллада ўтган бир тўй фикримизга мисол бўла олади.

Дурадгор уста Файзулла Шукуровни нафақат маҳалладошлари, балки ҳамкасблари ҳам ҳалол, тўғрисўз, атрофдагиларга эътиборли инсон сифатида яхши билади. Ҳалол меҳнат орқасидан рўзғор тебратаётган Файзулла ака ишлаб топаётган даромадининг не машаққатлар эвазига келишини ва уни жой-жойига қўйиб ишлатиш лозимлигини яхши билади. Шу боис яқинда ўғлини уйлантирганида тўйни бир кунда, ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ўтказишга аҳд қилди. Аввало тўй олди унашув маросимини ихчам ўтказиш учун совчилар қизга оқлик ўраб кетиш билан бирга, икки томон тўйни қандай ўтказиш борасида келишиб олдилар. Бу ўринда қиз тарафнинг ҳам тўйни ихчам ўтиши тарафдори эканини таъкидлаш жоиз. Сабаби, келиннинг бувиси «Йўл тушган» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги хотин-қизлар кенгашининг раиси Мукамбар опа Норқулова элга меҳнати сингган, қайвони аёллардан. Ҳозир нафақада бўлишига қарамай, маҳалланинг ҳар қандай юмушида фаол. Тўй ёки бошқа тадбирлар онахоннинг маслаҳатисиз ўтмайди, унинг иштирокида ўтказиладиган маросим, тантаналарда исрофгарчилик, дабдабабозликка йўл қўйилмайди. Шунинг учун Мукамбар опа куёв томоннинг дабдабаларсиз, ихчам тўй ўтказиш ҳақидаги фикрини тўла-тўкис маъқуллади. «Оғиз ёпди», «Фотиҳа тўйи», «Қиз базми» каби тадбирлар кун тартибидан олиб ташланди. «Сарсон бўғча», деган ирим-сиримларга чек қўйилди.

Бу ёғини сўрасангиз, Файзулла аканинг хонадонида "Наҳорги ош", "Хотин оши" бўлмади. Ош берилмагач, сабзи тўғраш тадбири ҳам қисқарди. Кечқурун маслаҳатга яқин қариндош-уруғларгина йиғилишди. Эртасига никоҳ оқшомига келганлар туман маданият бўлими ходими, ширали овоз соҳиби Фахриддин Умаров ижросидаги миллий қўшиқлардан баҳраманд бўлишди. Дарвоқе, тўйга раққоса ҳам таклиф этилмаганидан ортиқча «қистир-қистир» ҳам бўлмади. Давра қариндош-уруғлар, ёшлардан ортмади.

— Тўйларни ихчам ўтказиш кейинги пайтда маҳаллаларимизда тобора урфга айланмоқда. Дабдаба, ортиқча сарф-харажатлардан фойда йўқлигини маҳалла аҳли аста-секин тушуниб етмоқда, — дейди Чиноз қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Муҳаббат Болтаева. — Қишлоғимизнинг «Ойдин», «Қаҳрамон», «Ёввош» маҳаллаларида ҳам тўй ва бошқа маросимлар исрофгарчиликсиз ўтказилмоқда. Ахир, топганимизни ортиқча дабдабаларга эмас, фарзандларимизнинг камоли, соғлом турмуш тарзи учун сарфлаганга не етсин.

Ҳабиба ШЕРОВА,
«Mahalla» мухбири.

Тарбия соати

ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС

«Ўғлим бир ёшлик қилиб қўйибди-да, узр, энди ёшликни бебошлик, дейишади», деди маҳалла фуқаролар йиғинидаги бир йиғилишда масаласи кўрилаётган йигитчанинг отаси...

«Бола-да, бола бўлгандан кейин шўхлик қилади, бебошлик қилади, уни тушуниш керак», дейди мактабдаги ота-оналар йиғилишида фарзандининг қилмишини оқлаб бир она.

Ростдан ҳам ёшликни кўпинча бебошликка йўйишади. Аммо ёшлик бебошлик эмас-да. Аслида ўша йигитчанинг бебошлик қилишига, колледжда ўқийдиган курсдошининг телефонини уришиб қолгани учун синдириб ташлашига отаси сабабчи эмасми?

Қўшнисининг изоҳ беришича, ота ҳар доим ўғлига хоҳлаганча пул бериб эркалатган, доимо истагини муҳайё қилган, ўғлининг бебошлиги туфайли жабрланганларга моддий зарарни сўзсиз тўлаган. Фарзандининг қаерда ким билан юришига, ким билан дўстлигига эса умуман эътибор қилмаган. Оқибатда бола бебош бўлиб ўсган. Энг ачинарлиси, у ўқувчилик пайтиданоқ чекишга ўрганган.

Модомики, аҳвол шундай экан, отанинг: «Ўғлим бебошлик қилиб қўйибди», деб уни оқлаши мантиққа тўғри келадими? Хўш, боланинг бебошлиги қачондан бошланади? Унинг майда шўхликларига эътибор бермай, «Бизнинг ўғил шўх-да шўх», дея отанинг эркалашидан бошланмайдими?

Бир куни 3-4 ёшли болакайнинг кўпқаватли уйлар олдидаги ҳовузчага мушук боласини отиб юборганига гувоҳ бўлгандим. Болакайнинг онасига шу маҳаллада яшайдиган қўшнилардан бири: «Фарзандингиз жудаям бешафқат экан, айтмайсизми, унга бу иши яхши эмаслигини?», деди. Аёл эса: «Уни бешафқат эмас, шўх денг. Бола бўлса шўх бўлсин-да. Ҳамма болалар ҳам шу ёшда шўх бўлади ўзи», деди бепарвогина.

Бир ойлар ўтгач унинг ўртанча ўғли қарғани ушлаб олиб, тириклай ерга кўмиб қўйганини қўшнилар кўришибди. Ҳеч қанча ўтмай катта фарзанди биров билан муштлашиб, қамалиб ҳам чиқди. Демак, фарзандининг тирик ҳайвонларга раҳмсизлигини оддийгина шўхликка йўйиши бебошликни, бебошлик эса жиноятни келтириб чиқарди.

Ёшлик — бебошлик, деганлар адашади. Ёшлик уларнинг энг қимматли вақти, уни елга совуриш бутун умрини, келажакни бой беришдир. Аммо ёшликни бебошлик, дея қимматли вақтини бой берган ёшлар ва уларнинг тарбиясига бефарқ бўлган юқоридаги сингари ота-оналар орамизда учраб туриши бор гап.

Энди 30 ёшлардаги бир йигитнинг иқрорига қулоқ тутинг-а: «Мен мактабда яхши ўқирдим. Мусиқани, расм чизишни жуда яхши кўрардим. Ота-онамга мени тўгаракларга олиб боринглар, десам, ҳатто маҳалламизда очилган тўгаракларга ҳам аъзо қилдиришмади. Дадам: «Сенинг расм чизишинг, рубоб чалиб қўшиқ айтишингнинг менга ҳечам қизиғи йўқ. Сен пулга қизиқ, пул топишни ўрган», дерди. Мени сомса сотадиган йигитга шогирдликка беришди. Аммо менда барибир пул топишга эмас, расм чизишга иштиёқ кучли эди. Афсуски, рассом ҳам, мусиқачи ҳам бўлолмадим, бироқ мендан яхши сотувчи ҳам чиқмади. Отам олиб берган машинани миниб анча пайт ўзимни овутиб юрдим. Кейин бир йўловчини уриб юбориб, қамалиб чиқдим. Агар ота-онам мени болаликдаги интилишларимни инобатга олиб, тўғри йўлга бошлашганида ҳозир оилани боқишга ҳам қурби етмайдиган ношуд кимсага айланмасдим...»

Бугун давлатимиз томонидан фарзандларимиз учун барча қулайликлар, шарт-шароитлар муҳайё этилган. «Аъло» баҳоларга ўқиб, илмий иш қилаётган, спорт мусобақаларида қатнашиб юртимиз шаънини кўтараётган, санъатимиз билан довруғимизни дунёга таратаётган ёшлар орамизда кўплаб топилади. Гап фақат ана шу шароит ва ҳар дақиқаси бебаҳо бўлган вақтдан унумли фойдаланишда.

О. Мансуров, талаба. Қашқадарё вилояти.

— Дарсдан бўш вақтимда чет эл ёзувчиларининг асарларини таржима қиламан. Элчихонада ишлайман. Чет эллик сайёҳларга, меҳмонларга ҳамроҳлик қиламан. Уларни ресторан, кафеларга олиб борганимда бу кўнгилочар жойлар доим ёшлар билан гавжумлигини кўраман. Ўзим вақт масаласида қийналганим учун тенгдошларимнинг бундай жойларга келишга вақт ва пулни қаердан олишларини тушунмайман. Айни илм олиш, ўқиш, изланиш керак бўлган бир пайтда тенгдошларимнинг умрини ўйин-кулгига совураётганига ҳайрон қоламан. Ахир, йигит кишига етмиш ҳунар оз, дейишади. Бирор ҳунарни эгалламаган тенгдошларимга нега бекор юрибсан, десангиз, иш йўқ, дейишади. Менимча, иш тиқилиб ётибди, фақат ҳафсала ва қунт керак. Бирор устага шогирд тушиб астойдил ҳунар ўрганиш ҳам келажакда асқатади. Тадбиркор, ташаббускор ёшларимизга ҳам имкониятлар бисёр. 25 ёшида фермер бўлган, 30 ёшида тадбиркор бўлган, 16 ёшида ота касби — дурадгорликни эгаллаб рўзғор тебратаётган ёшларимиз ҳам бисёр.

Донишмандлардан бири: «Ҳаётни севасизми? Севсангиз вақтни бой берманг, чунки вақтдан ҳаёт деган мато тўқилади», деб бежизга айтмаган. Ёшлик — бебошлик эмас. Ёшлик — бу орзу, ишонч. Бу — жасоратга интилиш, келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланиши. Шундай экан, бир зум ҳам тиним билмайдиган ҳаёт билан бирга фақат элга, она юртга хизмат қилишдек эзгу мақсадлар сари дадил одимлаш, янги муваффақият ва зафарлар эгаси бўлмоққа интилиш зарур.

Барно СУЛТОНОВА.

Оила шифокори дафтаридан

ТИББИЙ КЎРИК САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Қизини поликлиникага олиб чиққан Санобар опа аёллар шифокори қабулида навбат кутиб турган қўшнисини кўрдию, ундан истиҳола қилиб, шифокорга кўринмай уйига қайтди. «Қўшниларим бўй етган қизини кўрсатгани гинекологга олиб келибди, дея ортиқча гап-сўз қилиб юрмасин тағин», деб ўйлади ўзича. Кечга яқин қизининг яна оғриқдан азоб тортганини кўриб, турли дорилар ичириб кўрди, аммо ҳеч бири фойда бермади. Аввалари шамоллашнинг бошланғич даврида бу каби муолажалар оғриқни бироз бўлса ҳам сусайтирарди. Бу сафар эса қизининг «оҳ-воҳи»дан изтироб чеккан она нима қилишини билмай ўйлаб-ўйлаб, охири оила шифокорини чақиришга қарор қилди.

Оила шифокори Мўътабар опа оғриқ қолдирувчи дори ва бемор амал қилиши лозим бўлган керакли маслаҳатларни бериб, бугуноқ шифокор кўригидан ўтишини, ўз вақтида касалликнинг олди олинмаса унинг асорати кейинчалик ҳам безовта қилиб, соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

— Мен фаолият юритаётган «Чўпонота» маҳалласидаги 615 та оилага иш жараёнида уйма-уй кириб, тиббий кўрикдан ўтиб туриши, ёш болаларни ўз вақтида эмлатиши ҳамда балоғатга етган ўсмир қизларни гинеколог назоратида бўлиши лозимлигини уқтириб бораман, — дейди Учтепа туманидаги 25-оилавий поликлиника оила шифокори Мўътабар Рисқулова. — Поликлиникамизга кўпроқ ёш келинлар соғлигидан шикоят қилиб келишади. Ўз вақтида соғлигига эътибор бермаганлиги сабаб баъзида фарзанд кўриш муаммоси ҳам юзага келиши мумкин. Шу боис ёшларнинг оила қуришидан аввал уларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тиббий кўрикдан ўтказиб, агар касаллик аниқлангудек бўлса, соғломлаштириш мақсадида тиббий муолажалар олиб борамиз.

Ҳақиқатан ҳам аксарият қизлар турмушга чиқишидан олдин саломатлигига жиддий эътибор бермайди, соғлигидан шикоят қилиб юришадию зарурат бўлганида ҳам шифокор кўригига бормайди. Касалликни яширсанг, иситмаси ошкора қилади, деганларидек, одамларнинг гап-сўзидан андиша қилиб, вақтида даволанмай бирор дард билан ўзга хонадонга келин бўлиб борган қизлар куёв томондагиларга ҳам ёқмаслиги табиий.

Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири. Ана шунга тўлақонли эришсаккина, аҳолининг саломатлиги юқори даражада бўлади. Зеро, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади.

Дилафруз ТЎРАҚУЛОВА,
«Mahalla» мухбири.

Оила тилсими

ҲАЁТНИНГ УЗИЛМАС РИШТАСИ

Нодира ҳали бир ёшга тўлмаган қизалоғини бағрига босганча, унинг беғубор рухсорига термулди: «Хайрият, ухлади. Болагинам жуда қийналяпти, бола касал бўлмаса нима қиларкин...?»

Уч кундан буён қизининг иситмаси чиқади. Томоғидаги хириллаш нафас олишини қийинлаштириб қўйди. Кеча уйига «тез тиббий ёрдам»ни чақиргандi. Тиббиёт ходими болада ларингит касаллиги хавфи борлиги, уни тезда касалхонада даволаш лозимлигини уқтирди. Бугун болани текшириб кўрган ҳудуд шифокори ҳам шу гапни такрорлади.

— Уйда даволашнинг иложи йўқми? — Нодира шифокорга умидвор бўлиб тикилди.

— Вақтида чора кўрилмаса болангизнинг нафас олиши янада қийинлашиб, бўғилиб қолиши мумкин. Бу касаллик кўпроқ ярим тунда кучаяди. Шу боис кечиктирмасдан касалхонага йўлланма ёзиб бераман, — шифокорнинг қатъий оҳангда гапириши Нодирани ўйлантириб қўйди. Бу ҳам етмагандай, иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлгани учун ўзи ҳам бир аҳволда. Турмуш ўртоғи Икромжон ишга эрта кетиб, кеч қайтади. Унинг қистовига Нодира зарда қилиб:

— Дўхтирлар ваҳима қиладида. Бир-икки муолажа олса, соғайиб кетади, — дея жавоб берди. Тезда дўхтир қўшнисини чақириб, ўзбошимчалик билан болага укол қилдирди. Афсуски, бу дори-даво фойда бермади. Кечга бориб қизалоқнинг аҳволи оғирлашди. Эрининг ёғдирган таъна тошларидан сўнг апил-тапил кийиниб, касалхонага отланди. Улар шаҳардаги болалар шифохонасига етиб келишганида тун ярмидан оғганди. Навбатчи врач болани текшириб кўргач, шошилинч жонлантириш бўлимига ётқизди. Эндигина «дада», деб тили чиққан қизалоқ дадасига йиғлаб талпинардию овози чиқмасди. Шифокорлар Нодирага уч кунгача фарзандини беришмади. У ҳўнг-ҳўнг йиғлаб тонг оттирарди. Бунинг устига, биргина суянчиғи, деб билгани — эри ҳам келиб-кетадию бир оғиз гапирмайди, нуқул қовоғи уйилган. Хонадоши — анча тузалиб қолган 3-4 ёшли боласини олиб ётган кўҳликкина жувон ора-сира Нодирага таскин берарди. Бироқ бу тасаллилар бир ёқда боласи, бир ёқда эрининг қўпол муносабатидан чарчаган Нодирага кор қилмади.

— Болам тузалсин, эрим билан яшамайман, ажрашаман, — деди Нодира хонадошига юзланиб.

— Бу турмушда учрайдиган оддий бир ҳолат, агар оғирроғига дуч келсангиз нима қилардингиз? — хонадоши боласини ухлатгач, секин келиб унинг ёнига ўтирди. — Ҳаётда баъзида оғир гуноҳларни ҳам кечиришга, унутишга тўғри келади. Менинг турмуш ўртоғим катта бир ташкилотда ишлайди, 3 нафар ўғлимиз бор. Бундан икки йил аввал, соғлиғим ёмонлашиб, онамникида бир ҳафта қолиб кетдим. Уйга қайтиб келгач, мен йўқлигимда эрим уйга бегона аёлни олиб келганини сезиб қолдим. Бир куни кечки пайт ён қўшним эримни нотаниш аёл билан ресторанга кириб кетаётганини кўрибди, хижолат чекиб бўлсада хабар қилди. Рашкданми, аламданми, билмадим, хуллас, ўша жойга бориб, эримнинг бегона аёл билан қўлтиқлашиб чиқаётганини кўрдим. Аёллик шаънинг, ғурурим топталганидан қўлимдаги ёш боламни бағримга босиб, ўкиндим. Шу пайт ҳушимдан кетибман. Ўзимга келганимда уйда эканимни пайқадим, турмуш ўртоғим тепамда турарди. У ҳадеб, ўзини оқлар, бегона аёл ҳамкасби эканини тушунтирарди. Аммо ишонмадим. Ўша кунги воқеадан қаттиқ таъсирландим, юрагим хуруж қилди. Касалхонада ўн кун даволаниб қайтгач, фарзандларим учун яшашим кераклигини ҳис қилдим. Хиёнатни кечириш қийин экан. Хўжайиним билан бир эшикдан кириб чиқардигу бир-биримизга бегона эдик. Кунларнинг бирида уйимга шошилинч қўнғироқ қилиб, тезда касалхонага етиб боришим лозимлигини, эрим автоҳалокатга учраганини маълум қилишди.

Касалхонада эримни кўрдиму ҳайратда қотдим. Бутун танаси таниб бўлмас даражада қонга бўялган. Уч кундан сўнг ҳушига келса ҳам оғриққа чидолмай инграр, зўрға гапирарди. Эрим мана шундай азобли ҳолатида мендан кечирим сўради, гуноҳини тан олди. Бу азоб унга берилган жазо эканлигини айтиб, кўзидан ёш қуйиларди. Тинимсиз муолажалардан сўнг эрим 7 ой деганда буткул соғайди. Агар ишонсангиз, фарзандлар — оила риштаси экан, улар учун ҳаммасининг баҳридан ўтдим, кечирдим. Ахир, ҳадису шарифда кечиримли бўлинглар, дея зикр қилинганку. Сиз ҳам кечиринг, ҳали болангиз тузалса ширин-шакар бўлиб кетасизлар...

Икки кундан сўнг Нодиранинг қизалоғини қўлига беришди. Нуридийдаси анча соғайган, бийрон тилида «дада, дада», дейишини қўймасди. Икромжон, ахир, менинг бор бойлигим сизлар-ку, дея фарзанди ва аёлини меҳр билан бағрига босди. Нодира касалхонадан чиқишидан бир кун олдин хонага яна бир она-болани ётқизишди. Айтишича, фарзандининг тоби қочгач, қайнанаси уни болани эплашни билмайдиган ношуд, деб маломат қилибди. Айби онасиникига бориб болани касал қилиб келгани экан. Шу куни қайнанаси ундан на хабар олди, на ўғлидан иссиқ овқат жўнатди.

Эртасига эса набирасини соғиниб чидолмаган қайнана қўлида бир сумка мева-чева, иссиқ овқат билан кириб келди. Кечагина жанжаллашган қайнана-келин худди она-боладек гурунглашиб ўтиришарди. Нодира умр йўлдоши ва қизалоғи билан уйига йўл оларкан, ҳеч бир рўзғор «тақ-туқ»сиз бўлмаслигини, бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қилиш лозимлигини англаб етди. Бу ҳаётнинг Тангри ато этган ришталари бор экан, билиб-билмай ҳукм чиқармоқ гуноҳ. Бильакс, бу ришталарни асраб-авайламоқ, қадрига етмоқ, садоқат билдирмоқ фазилати инсон умрини, борлиғини безаб туради.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Ўқув-семинар

ПОСБОНЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар залида "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгаши, республика Маънавият тарғиботи маркази масъул ходимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидландики, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари вакиллари муносиб ҳисса қўшмоқда. 1999 йилда муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур жамоат тузилмаси ўтган вақт мобайнида ўзини тўла оқлади, дейишга етарлича асослар бор. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди: жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида маҳаллалардаги 174568 та ҳуқуқбузарлик маҳалла посбонлари томонидан аниқланиб, қонуний чоралар кўрилиши таъминланди. Бундан ташқари 6393 та жиноят фош этилишида ушбу тузилма аъзолари фаол иштирок этган бўлса, 867 та жиноят бевосита посбонлар томонидан очилган. Шунингдек, "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари аъзоларининг саъй-ҳаракати натижасида 2461 та маҳалла, 856 та қишлоқ ва овул фуқаролари йиғинида умуман жиноят содир этилмаган. Бунда Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви билан Ички ишлар вазирлиги томонидан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори ижроси муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир иштирокчилари ютуқларни ҳақли равишда эътироф этган ҳолда, бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратиш лозимлигини билдирдилар. Бунда хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа қатор жамоатчилик асосида фаолият юритаётган тузилмалар билан ўзаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш талаб этилади. Иштирокчилар бу борада ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, тегишли тавсия ва вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир ниҳоясида кун тартибидаги масалалар юзасидан берилган саволларга мутасаддилар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Ўқув-семинар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтади.

Мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги олдидан

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Бош қомусимизга ҳуқуқий демократик жамият қуришни мақсад қилган давлатимизнинг асрий инсонпарварлик, тинчликсеварлик ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ғоялари чуқур сингдирилган. Энг муҳими, конституция ҳар биримизда она-Ватан келажаги учун масъулият ҳиссини уйғотиб, озод ва обод юртимизнинг истиқболи йўлида фидойи бўлишга чорлайди. Зотан, сизу бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни кафолатлаш баробарида давлат ва жамият олдидаги бурчимиз, масъулиятимизни ҳам англатади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг дастуруламали сифатида халқ иродасининг ифодасидир.

Бизнинг Мир Саид Барака номидаги маҳалламизда йигирмага яқин миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Зеро, қўшнига ҳурмат кўрсатиш, яхши-ёмон кунида ёнида туриш, унга ёрдам қўлини чўзиш каби фазилатлар миллий қадрият ҳисобланган юртда бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, Бош қомусимизда белгиланганидек, "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар".

Конституциямизда оила масаласига алоҳида эътибор берилган. Дарҳақиқат, оила муқаддас даргоҳ саналади. Конституциямизнинг 63-моддасида: "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга", дейилган. Ҳар бир инсон яхши муҳитда, соғлом оилада ўсиб-улғайса, у жамиятга, ватанга, ота-онасига содиқ фарзанд бўлади. Ахир айтишади-ку, қуш уясида кўрганини қилади, деб. Оила жамиятнинг асосий бўғини деб эътироф этилар экан, оиланинг тинч ва осойишталигига, ундаги муҳитнинг соғломлигига, шароитининг яхшилигига, ҳатто эр-хотиннинг бир-бирига бўлган дўстона муносабатига алоҳида эътибор қаратишга маъсулмиз, токи оилада фарзанд тарбияси тўғри йўлга қўйилиб, ахлоқ-одоби барчага намуна бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари сингдирилган ҳуқуқий ҳужжат сифатида халқаро миқёсда ҳам аллақачон эътироф этилган. Инсон манфаатини ифодалайдиган ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган бундай Қомусни ўқиб-ўрганиш шу мамлакат фуқароларининг бурчидир. Конституцияни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий билими ва саводхонлигини ошириш ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига катта вазифалар юклайди. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун турли тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўтказилаётган тадбирларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тушунтиришлар бериб борилмоқда. Бундан ташқари, "Конституциямизни ўрганамиз" мавзусида маҳалла ёшлари ўртасида ўқув-семинарлар ташкил этдик. Маҳалла ҳудудидаги ўқув муассасаларида бўлиб ўтаётган учрашувларда ҳуқуқ борасида муттасил тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Суд департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, 1-сон академик лицей билан ҳамкорликда «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг Конституциявий ҳуқуқий кафолатлари» мавзусида анжуман ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган «Инсоният ҳурлигининг буюк хартияси» мавзусида анжуман ўтказилди. Шунингдек, Ўзбекистон либерал демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши, Самарқанд вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Конституция — бахтимиз қомуси", "Сайловлар — демократия кўзгуси» мавзусида анжуман ўтказилди. Бу суҳбатлар, учрашувлар, маърузалардан асосий мақсад ёшларнинг бугунги кундаги ўйлари, интилишлари, ўқишларига ёрдам бериш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, иқтидорларини юзага чиқаришда кўмаклашишдан иборат. Шу меҳнатлар самараси ўлароқ, маҳалламизда қатор йиллардан буён вояга етмаганлар ўртасида бирорта нохуш ҳодиса қайд этилмади. "Баркамол авлод йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, маҳаллада яшовчи иқтидорли ўқувчи ва талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Улар учун Тошкент шаҳрига саёҳат ташкил қилдик. Саёҳат жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида бўлиб, сенаторлар билан самимий мулоқотлар уюштирилди. Бу ёшларда бир олам таассурот уйғотди.

Маҳалламиз аҳлининг катта қисмини зиёли оилалар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги ҳаёт тажрибасига эга инсонлар. Маҳаллада ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигида бундай инсонларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Ҳар бир фуқаро, аввало, ўз маҳалласида яшаётган инсонлардан ибрат олади. Маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаронинг эришган ютуғи — маҳалланинг ютуғи. Шуларни инобатга олган ҳолда, ёшларни яхшилардан ибрат олишга ундаш мақсадида ҳар қандай ютуқни тарғиб қилишга, уларни ибрат намунаси сифатида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Масалан, бу йил кимнинг фарзанди олий ўқув юртига ўқишга кирди, қайси оила ибратли оила, деб топилди, ким қандай ютуққа эришди — бунинг ҳаммаси маҳалла аҳли ўртасида муҳокама қилинади. Шундай саъй-ҳаракатлар натижаси бўлса керакки, маҳалламизда тинчлик, осойишталик, аҳил-иноқлик ҳукм сурмоқда.

Суннат КУБАЕВ.
Самарқанд шаҳар Мир Саид Барака номидаги маҳалла оқсоқоли.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержантлик унвонлари топширилди.

СУРАТДА: *кичик сержант Шерозбек Собиров онаси Гулнора опа билан.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

НОШУД ЎҒИЛ, ҚОТИЛ ОТА

Бу воқеа Андижон вилоятининг чекка туманида содир бўлди. Ким томонидан, деган саволни очиқ қолдиришга тўғри келади. Негаки, бўлар иш бўлди – энди уни орқага қайтармоқнинг иложи йўқ. Боз устига айбдор ҳам қилмишига чандон пушаймонки, бўлиб ўтган фожеа ҳақида очиқ-ошкора ёзишимиз дард устига чипқон бўлиши мумкин. Шу боис манзилни ҳам, айбдорнинг ҳам исм-шарифини ўзгартирдик. Воқеанинг баёни замирида эса бўлиб ўтган ишлар бошқаларга сабоқ бўлар, деган умид бор, холос.

...Инсон ҳаётда, аввало, оила қуриб, ўзидан яхши ном қолдириш, эсли-ҳушли фарзандларни тарбиялашга ҳаракат қилади. Содиқжон ва Олья Жасуровлар бундан қирқ уч йил аввал ана шундай ниятлар билан бир ёстиққа бош қўйишган эди. Бу орада тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетди. Аммо иккинчи фарзанд — Паҳлавон...

Бирор жойда ёлчитиб ишламаган Паҳлавон 1992 йилда хотини Таня ва уч нафар фарзанди билан Россия Федерациясининг Саратов вилоятига кўчиб кетганди. Шу кетганча 2007 йилнинг октябрь ойида уларнинг дараги чиқди. Ўтган ўн беш йил давомида ота-она ўзидан ўттанини ўзи билади. Содиқжон ака ўғлини ортиқча тергамади, аксинча, дараги топилганидан хурсанд бўлиб, амаллаб уйига олиб келишга эришди.

Ўтган йиллар Паҳлавонга акс таъсир ўтказибди: шунча йиллик мусофирчилик унинг бурнига сув киргизмабди, аксинча, аввалгидан-да баттар танбал ва дангаса бўлибди. У ишлашни хоҳламас, ота-онаси ҳисобига яшашдан уялмасди. Баъзан ёлланма меҳнат орқасида топган озгина пулини ҳам улфатлари билан кайф-сафога сарфларди.

Оилавий шароит тобора оғирлашгач, Содиқжон ака, ёши ўтиб бораётганига қарамай, 2008 йил охирида пул топиш илинжида Россияга жўнаб кетишга мажбур бўлди. Ўғилнинг аҳволи бу бўлгандан кейин шўрлик ота нима қилсин, ахир?!

Ўтган йилнинг февралида уйга қайтган ота ўғлининг онасини калтаклаб, уй-рўзғор буюмларини сотиб, пулини ичкиликка сарфлаб юборганини устидан чиқди. Ота ўғлини инсофга чақирди, панд-насиҳат қилди. Бундан натижа чиқмадек ҳам бўлди: Паҳлавон қишлоқдаги намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уйлар қурилишида ишлай бошлади.

Бундан ота-онанинг кўнгли бироз ёришди: инсоф бергани рост бўлсин. Бироқ хурсандчилик узоққа бормади.

Шу йилнинг май ойи эди. Паҳлавон бир кун аввал бўкиб ичгани боис эрталаб бошини кўтара олмасди.

— Яна ичибсан-да! Ишга қачон борасан? Тур ўрнингдан!

Отанинг пўписасидан кейин ўғил ўрнидан туриб кўчага чиқиб кетди.

Эрталабдан кайфияти бузилган Содиқжон ака бозорга тушиб, рўзғорга озиқ-овқат харид қилди. Кейин тушлик қилиб, аламдан озроқ ароқ ичди.

Уйга қайтиб, ортиб қолган пулни дивандаги ёстиқ остига қўйди. Ҳовлидан чиқаётиб, остонада маст ҳолда турган ўғлига дуч келди. Бундан кайфияти баттар бузилди. Паҳлавонни койиб-койиб чиқиб кетди. Бироз вақтдан сўнг уйга қайтиб, ёстиқнинг тагини қараса, ҳалигина қўйган пулидан йигирма минг йўқ. Дарҳол ортига қайттач, ташқарига отланаётган Паҳлавоннинг қўлида минг сўмлик пулларни кўриб, ғазаб ўтида ёнди.

— Номард, зўрға тошган пулларимни озиқ-овқатга ишлатмай, яна ичкиликка сарфламоқчимисан?!

Пулларни ўғли қўлидан тортиб олмоқчи бўлган отанинг бошига темир курак келиб тушди. Унинг бошидан қон оқа бошлади. Ота энди ўша темир курак билан ўғлининг оёғига урди. У отасига стулни отиб, ташқарига қочиб чиқиб, эшикни беркитиб олди. Эшикни зарб билан очган ота, темир куракни кўтариб ўғлининг бўйнига туширди...

...Қонга беланган ўғилни шифохонага олиб кетишди. Аммо унга ёрдам беришнинг иложи бўлмади...

Шундай қилиб, нобакор ўғил ота-онасини қийдириб, уч норасидани етим қилиб, ҳаётдан кўз юмди. Хўш, бунга ким айбдор?! Бу ўринда «балки» сўзи билан бошланадиган қатор афсус-андуҳларни келтириш мумкин. Балки Паҳлавон шу куни ишга кетганида тирик қолармиди? Балки Содиқжон ака ҳам ичиб олмаганида бу қотиллик рўй бермасмиди?.. Балки улар истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, профилактика нозири отабола ўртасидаги жанжалларга эртароқ эътибор қараганларида бу нохуш ҳодиса юз бермасмиди?..

Нима бўлганда ҳам, ота ўз ўғлининг қотилига айланди. Энди у қариган чоғида қонун олдида жавобгар...

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Осойишталигимиз посбонлари

ТУНУ КУН УЙҒОҚ, ҲАМИША ҲУШЁР

Тасаввур қилинг: кечки пайт зарурат юзасидан қўшни аёлнинг эшигини қоқдингиз. Маълум бўлдики, хонадон бекаси уйида йўқ. Қаёқда? Ишда! Агар қўшни фабриканинг тунги сменасида ишласа ёки шифохонада навбатчи бўлса, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Агар у маҳалла посбони бўлса-чи?

© Фото-Носир Ҳайдаров

Маҳалла посбонининг иш вақти чегараланмаган, улардан кундузи ҳам, тунда ҳам мудом сергак ва ҳушёр турмоқ талаб этилади. Бунақа масъулият ҳатто унча-мунча эркакнинг қўлидан келмаслиги бор гап. Шунга қарамай аёл боши билан бундай масъулиятли вазифани зиммасига олган аёлнинг журъатига қойил қолиш мумкинми?.. Ҳа-да!..

Лола опа ана шундай журъатли аёллардан. Унинг пойтахтимиздаги Чилонзор тумани «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғинида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига сардорлик қилаётганига ярим йилча бўлди. Йўқ, опа оддий посбон эмас, маҳалла посбонларига сардор. «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасида 7 нафар посбон ҳудуд осойишталигини таъминлаш ва ҳеч бир воқеа-ҳодисани кўздан қочирмаслик мақсадида баҳамжиҳат фаолият кўрсатишади. Ўтган қисқа фурсат мобайнида тузилма сардори биринчи галда ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини янада яқиндан билиш ва уларнинг турмуш тарзидан воқиф бўлишга ҳаракат қилди. Айниқса, вояга етмаганларга эътибор қаратиб, уларнинг юриш-туриши, бўш вақтларини қандай ўтказаётгани билан астойдил қизиқди. Вазиятни ўрганар экан, маҳалладаги ўқувчиларнинг бўш вақтини бирор-бир ҳунарни ўрганиш ёки спортнинг қайсидир тури билан шуғулланишга сарфлашса нур устига нур бўлишини хаёлидан ўтказди.

У режаларини ижобий ҳал қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ва фаол ота-оналарнинг эътиборини жалб қилди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас деганларидек, маҳалла ва ота-оналар қўллаб-қувватлаши натижасида туман Болалар ижодиёти маркази ва Миллий авиация спорт клуби билан ҳамкорликда турли йўналишдаги тўгаракларни ўзида жамлаган «Юлдузча» номли марказ ташкил этилди. Натижада бу марказда ўқувчилар бўш вақтларида рассомлик, бисер усулида тикиш, рақс, таэквандо каби қатор тўгаракларда ўзларининг қобилиятларини шакллантириш имкониятига эга бўлишди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ушбу машғулотларнинг бепуллиги кўпларни хурсанд қилди.

— Маҳалла посбонлар тузилмаси сардорининг вазифалари кенг қамровли, — дейди Лола Бойназарова. — Профилактика нозирига яқин кўмакчи, Яраштириш комиссияси аъзоларига ҳамфикр, маҳалла оқсоқоли ва масъул котиби билан ҳаммаслак — бу маҳалла посбонлари ҳисобланади. Ҳудудда осойишталикнинг устувор бўлиши, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муқаддам судланганларнинг ижтимоий ҳаётга қўникмасини шакллантириш борасидаги амалий ишлар посбонлар зиммасига катта масъулият юклайди.

— Маҳалла сардори бўлиш туну кун уйғоқ ва ҳушёр бўлиш, деганидир. Бу ҳол аёл учун қийинчилик туғдирмайдими? — сўраймиз опадан.

— Тўғри, болаларим ҳали кичкиналиги боис қийинчилик бўлади. Аёл киши кўпроқ вақтини оила даврасида ўтказишни маъқул кўради. Бироқ турмуш ўртоғим мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

— Маҳалламизда 4222 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тамара Бочкарёва. — Улар билан ишлаш учун посбонда ишчанлик, етакчилик қобилияти бўлиши лозим. Айни фазилатлар маҳалламиз посбони Лола Бойназаровада мужассамлигини таъкидлашни истардим. Маҳалла посбонлар сардорининг аҳоли осойишталигини сақлаш, турмуш тарзидан бохабар бўлишда фаол ва ташаббускорлиги кўпчиликка ўрнак.

— Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактик ва огоҳлантирув тадбирлари ўтказилишининг аҳамияти катта, — дея суҳбатни давом эттиради Лола Бойназарова. — Шу боис посбонлар маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ички ишлар органлари ходимларига маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларни бажаришда ёрдам берадилар. Маҳаллада ёшларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши, ҳуқуқий саводхонлигининг шакллантирилиши, миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбияланиши ҳудудда осойишталик ва жамоат тартибини таъминлашдаги асосий омил ҳисобланади. Бир сўз билан айттанда, маҳалла посбони ўша ҳудуднинг доимо уйғоқ ва сергак жамоат назоратчисидир.

Ҳа, Лола опа каби жонкуяр ва ташаббускор сардорлари бор маҳаллаларда соғлом муҳит ҳукмрон бўлади. Камолга етаётган ёшлар қалби ва онгида кўпчиликка наф келтирадиган амаллар қилишга интилиш ва мақсад шакллана боради.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Хабарлар

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Хабарингиз бор, 2011 йилнинг 7—29 январь кунлари Қатарнинг Доҳа шаҳрида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Чемпионатда иштирок этадиган 16 та миллий жамоа сафида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам борлиги эътиборлидир.



Вакилларимиз "А" гуруҳидан ўрин эгаллаган бўлиб, Қатар, Қувайт ва Хитой жамоалари билан гуруҳ баҳсларида беллашади.

Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари 2011 йилги Осиё чемпионатига тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган.

Шу йилнинг 22 ноябридан бошлаб Тошкентда ўтказиладиган навбатдаги машғулотлар футболчиларимиз учун чемпионатга тайёргарликни бошлаб беради. Бир ҳафта давом этадиган ушбу йиғинга мамлакатимиз футбол жамоаларида тўп сурадиган бир қатор иқтидорли футболчилар жалб этилган.

Жорий йилнинг 1 декабридан миллий терма жамоамиз нуфузли мусобақага тайёргарлик кўриш учун икки ҳафталик ўқув-машғулотларни ўтказиш мақсадида Тошкентдан Тунисга йўл олади. Ушбу йиғин мобайнида вакилларимиз бир қатор хориж футбол жамоалари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказади. Шундан сўнг, 18 декабрдан 3 январгача Бирлашган Араб Амирликларида ўтадиган ўқув-йиғинда қатнашади. БААдаги йиғиндан сўнг В.Абрамов Қатарда Осиё чемпионатида қатнашадиган терма жамоанинг асосий 23 нафар футболчиси номини эълон қилади.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси Ўзбекистон терма жамоасининг Қатарда ўтадиган Осиё чемпионатидаги ғалабаларига замин яратади, деган умиддамиз. Зеро, қитъа чемпионатининг бошланишига роппа-роса 44 кун қолди.

АБУ-ДАБИДАН БРОНЗА МЕДАЛИ

Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дунёнинг 20 дан зиёд мамлакатлари спортчилари дзюдо бўйича Гран При турнирида ўз вазнларида ғолиблик учун курашишмоқда.

Ушбу нуфузли мусобақада Абдулла Тангриев, Одилжон Тулиндибоев, Мирали Шарипов, Рамзиддин Саидов, Ўктам Ражабов, Хуршид Набиев, Ўткир Қурбонов, Фармон Қобулов, Габит Есимбетов ва Улуғбек Норқобилов каби етакчи спортчиларимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қиляпти.

Кеча мамлакатимизнинг иқтидорли курашчиларидан бири Улуғбек Норқобилов 66 кг. вазндаги беллашувларда иштирок этиб, Россия, Испания, Озарбайжон полвонлари билан муносиб беллашди. Сўнгги натижаларга кўра юртдошимиз бронза медалига мушарраф бўлди.

Бугун Абдулла Тангриев, Рамзиддин Саидов, Одил Тулиндибоев, Хуршид Набиев, Фармон Қобулов, Ўткир Қурбонов саралаш мусобақаларида иштирок этишади. Турнир 26 ноябргача давом этади.

ЖАҲОНАРО ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАРАННУМИ

Шу йилнинг 13—18 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Тошкентдаги Кураш Халқаро Ассоциацияси(ІКА)да миллий спортимиз – Курашнинг халқаро майдондаги ривожига бағишланган ва Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда Кураш Халқаро Ассоциацияси бош котиби Умид Якубов ва Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулла Тожиев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли халқаро мақомга кўтарилган ўзбек спорти – Кураш қисқа фурсатда дунёдаги минглаб ёшларнинг севимли спорт турига айланди. Бугунги кунда жаҳондаги 117 та мамлакатда кураш федерациялари фаолияти йўлга қўйилди. Курашнинг халқаро майдондаги ривожи натижасида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, «кураш», «ҳалол», «тўхта», «танбеҳ» каби ўзбекона сўз ва ибораларимиз халқаро спорт атамалари қаторидан жой олгани матбуот йиғинида таъкидланди.

Шу йил Ҳиндистонда ўтадиган жаҳон чемпионати ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларга янги куч бағишласа ажаб эмас. Зотан, дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатидан 200 нафардан зиёд курашчилар қатнашадиган мазкур мусобақалар қадриятларимизни яна бир бор халқаро майдонда тараннум этади.

Тўлқин РЎЗИЕВ.

Маҳалламиз ёшлари

ХУШ КЕЛИБСИЗ ПАҲЛАВОНЛАР МАҲАЛЛАСИГА!

Бухоро вилояти Олот туманидаги "Кесакли" маҳалласига кираверишдаги улкан дарвоза пештоқига ана шундай сўзлар битилган. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бу маҳаллада туғилиб, вояга етган йигитлар орасидан спортнинг турли йўналишлари бўйича нафақат республика, балки жаҳон миқёсидаги мусобақаларда зафар қучиб, донг таратган полвонлар талайгина.

Йиғин кенгашида ёшларни спортга жалб этиш борасида катта тажриба тўпланган. Бу тажриба қўшни маҳаллаларда ҳам қўлланилаётир.

Дзюдо бўйича мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийси, вақтида қатор халқаро мусобақаларда ғолиблик-ни қўлга киритган Фарҳод Тўраев, спортнинг дзюдо ва миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони, айни пайтда терма жамоанинг ёрдамчи мураббийси Камол Муродов, 2006 йил Қатарнинг Доҳа, қолаверса, яқинда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари бронза медали совриндори Рамзиддин Саидов сингари спортчиларнинг шу маҳаллада вояга етгани фикримизга далилдир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу маҳалла фаоли, Олот спорт коллежи директори, таниқли устоз Рустам Тўраев мураббийлигида тарбияланаётган чемпионлар номини бирма-бир санасак, бу рўйхатнинг ўзи бир рисола бўлади. Келинг, узоққа бормайлик. Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори, Гуанчжоудаги Осиё ўйинларида мамлакатимиз жамоасига дастлабки олтин медаль туҳфа этган Ришод Собировнинг ютуқларида Рустам аканинг ҳам муносиб хизмати бор.

— Маҳалламизда кураш фақат спорт тури эмас, балки аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган азалий қадрият сифатида ҳам қадрлидир, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Рўзиев. — Бизда бола илк қадам ташлаганиданоқ курашга ўргатилади, ёшу қари кураш билан мунтазам шуғулланади. Шу боис тўйларда ўтказиладиган курашларда маҳаллий ёшларимиз ҳам манаман, деган чемпионларга муносиб рақиб бўлишини кўрсата олади.

Раис айтаётган ўша тўйлардаги курашлар, аслида, унчамунча турнирлардан қолишмайди. Тўйларда вилоятнинг энг сара полвонлари йиғилади. Кураш қоидаси ҳам қатъий: зўр бўлсанг ҳалол ют — бу тўйдаги курашнинг таомили.

Ҳар бир тўйда, маҳалладаги байрам тадбирларида алп-лар мақталиб турилганда, уларни томоша қилиб турган болакайлар ҳам полвон бўлишга аҳд қилишади-да.

— Бу каби мусобақалар тўйларимизнинг қизиқарли, файзли, тартибли ўтишини ҳам таъминлайди, — дейди маҳалла фаоли Ойгул Турдиева. — Фарзандининг тўйини дабдабали ўтказиш учун «лимузинлар карвони»ни уюштириш, дастурхонда ортиқча ҳашам бизда кузатилмайди.

Айтиш жоизки, маҳалладаги 628 хонадонда истиқомат қилаётган 1236 нафар аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳудудда барча шароитлар яратилган. Маҳалла ҳузурида Дилмурод Минглиев, Маҳмуд Иноятов мураббийлигида курашдан ташқари футбол, теннис тўгараклари ҳам фаолият юритмоқда.

— Бу тўгараклар фаолиятини самарали йўлга қўйишда маҳаллада спорт майдончасини ташкил этганимиз қўл келди, — дейди Ф.Рўзиев. — Ҳозир бу ерда икки юз нафардан зиёд ўғил-қиз аниқ жадвал асосида машғулот ўташмоқда. Умуман, ёшларимиздан умидимиз катта. Озод, Ҳикмат каби йигитларимиз ёшлар ўртасида вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда зафар қучишди. Насиб қилса футбол, теннис бўйича ҳам ўзимизнинг чемпионларимизга эга бўламиз.

Раис бу сўзларини ишонч билан айтаётир. Дарвоқе, полвонлар маҳалласи оқсоқолининг лафзидаги барқарор ишончнинг туб асослари бор.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

© фото-Носир Ҳайдаров

Пойтахтимиздаги 326-Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ҳозирги пайтда 830 нафар ўқувчилар таълим олмоқда. Бу ерда 52 нафар тажрибали ўқитувчилар халқ амалий санъати йўналишларидан ўғил болаларга ёғоч ўймакорлиги, миниатюра, бадиий рассомчилик, қиз болаларга зардўзлик, каштачилик ва пазандачилик сирларини пухта ва мукаммал ўргатиб келмоқдалар.

СУРАТДА: ёғоч ўймакорлиги ўқитувчиси Шерзод Ҳакимов шогирдлари билан.

Мулоҳаза

БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ

Отишма, ур-йиқит, жангари воқеалар тизимидаги хориж ўйинлари болалар онгини эгаллаб, уларни «оммавий маданият» гирдобига тортиб кетмаяптими?

Аввал:
— Анвар, юр тезроқ, болалар чиллак ўйнаяпти.
— Бўпти ўртоқ, шошмай тур, ҳозир кийиниб чиқаман.
Ҳозир:
— Мурод, юр, «гейм клуб»га, Салимнинг айтишича, зўр отишмали ўйин чиқибди. Кўпроқ пул олиб чиқишни унутма.
— Ростданми? Янги ўйин бўлса мазза экан-да!

Ҳа, бугун ҳатто боғча ёшидаги болалар ҳам компьютер сичқончаси ва клавиатурасини худди катталардек бошқараяпти. Ҳатто кичик ёшдаги болакайлар ҳам қўл телефонларидан фойдаланмоқда. Бироқ...

...Нафосат 3 ёшли ўғли хархаша қилиб, халақит бермаслиги учун компьютер ёқиб, отишмали ўйинни қўйиб берди, бу камдек болага қўл телефонини тутқазди. Натижа эса кутилганидек бўлди: уйда тинчлик, осудалик. Энди у режалаштирган юмушларини бемалол бажариши мумкин.

У хоналарни йиғиштириб, чангларни артди, дераза ва эшик ойналарини ярқиратиб тозалаб, кўнгли равшан тортди. Кейин ошхонага кириб, овқатга уннади. Овқат тайёр бўлгунича тўпланган кирларни ювди. Орасира телефонда ўйин ўйнаётган боласига кўз ташлаб қўярди. Ўғли телефон экранидан кўз узмас, баъзан қийқириб қўярди. Хуллас, шу тахлит орадан 4 соат вақт ўтди.

— Ойижон, роса кўп одамни отиб ташладим, — дея онасига юзланди бола.

— Телефонни қўй энди, овқат сузаман, — деди Нафосат.

— Қорним очгани йўқ, мен ҳали ўйнамоқчиман, — деди у кескин эътироз билдириб.

Нафосат қанча ундамасин, болакай овқатга қайрилиб ҳам қарамади. Охири телефонни ўғлининг қўлидан тортиб олди. Бола йиғлаб, хархаша қилар, энди Нафосат отишмали ўйин қўйиб берганига афсус чекарди. Энг ёмони, бола уйқусида безовта бўлди: ҳадеб чўчиб, йиғламсираб уйғониб кетаверди.

Ҳа, хориждан кириб келаётган компьютер ўйинларининг болалар онги, руҳияти, маънавияти ва ахлоқий тарбиясига етказадиган зарарларини санаб саноғига етиш қийин. Ярим соатдан ортиқ бир жойда ўтиришга жўшқинлик ва қолаверса, ички қуввати йўл қўймайдиган кичкинтойларни-да ўзига мафтун қилган бу ўйинларнинг оҳанрабоси бор. Айни шу жиҳат болаларнинг «ўйинпарастлик» («игромания»), деб аталаётган касалликка чалинишларига сабаб бўлаётир.

Хўш, миллий ўйинлар-чи? Уларнинг болалар маънавияти ва руҳиятига таъсири қандай? Бу ҳақда биз атрофлича ўйлаб кўрамизми?

— Болалигимизда қизчалар «хола-хола», «меҳмон-меҳмон» каби миллий қадриятлар ва анъаналарни ўзида акс эттирган ўйинларни севиб ўйнарди. Шуни таъкидлаш жоизки, ана шу ўйинларда қизалоқлар катталарнинг ўзаро муомала муносабатларида кўрган удумларимизга тақлид қилишар, ана шу тахлит юксак даражадаги миллий муомала маданиятини ўргана борарди. Лойдан, пластилиндан ҳар хил буюмларни ўз қўлларимиз билан ясардик, бир-биримиздан ўрганиб, «асар»лар яратарканмиз, маҳоратимиз борган сари ошиб борар, бу ўз навбатида, бизда бунёдкорлик ва ҳунармандчиликка иштиёқнинг шаклланишига хизмат қилган бўлса, ажаб эмас,— дейди Боғот туманида яшовчи 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муборак Қаландарова. — Ўғил болалар табиат қўйнида чиллак ўйнашни кўпроқ ёқтиришарди. Бу, аввало, болаларда чаққонликни, серғайратликни шакллантиришга хизмат қилган. Очиқ табиат қўйнида ўйналгани боис бу ўйин, болаларнинг қон айланиш тизимига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтиш даркор. Ланка ўйини эса болаларни чапдастликка ўргатиши билан ҳам эътиборга лойиқдир. Серҳаракатлик билан бир қаторда аниқлик ва пухталикни ҳам шакллантирадиган мазкур ўйин болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳа, бир пайтлар уй ичида ҳам, табиат қўйнида ҳам бирдек ўйнаш мумкин бўлган «беш тош» ўйинига қизиқиш жуда катта бўлган. Бу ўйин ўсиб келаётган ёш авлоднинг вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишларига омил бўлган.

Ана шундай миллий халқ ўйинлари чоғида ғирромлик қилган болалар ўйиндан четлатилган.

Эсимда, бир куни Сарвар исмли бола ғирромлик қилиб ўйинни бузди. Шунда кўпчилик бир овоздан уни четлатишди, ўз хатосини тушуниб етмагунча ўйинларга қўшилолмаслигини айтишди. Шунда ерга урса кўкка сакрайдиган тўполончи ўртоғимиз айбини англаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Демак, мана шундай миллий ўйинлар болаларнинг тарбиявий-ахлоқий жиҳатдан баркамол бўлиб шакллана боришига ҳам хизмат қилиши аниқ.

Яна бир гап: отишма, ур-йиқит, жангари воқеалар тизимидаги хориж ўйинлари болалар онгини эгаллаб, уларни «оммавий маданият» гирдобига тортиб кетмаслиги учун миллий ўйинларимизнинг электрон вариантларини яратиш мақсадга мувофиқ эмасми? Зеро, тараққиёт билан қадам-бақадам юриш, миллий анъана ва қадриятларни сақлаган ҳолда олға илгарилаш мамлакат ва миллатнинг ёруғ истиқболи учун қўйиладиган ишончли ва мустаҳкам қадамлардан бўлиши шубҳасиз.

Феруза ЭГАМОВА,
«Mahalla» мухбири.

Табиат — дорихона

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Қовоқ нафақат хушхўрлиги, балки кўпдан-кўп касалликларга даво эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Қовоқнинг мағизли қисмида С, В витаминлари, каротин, пантотен, фалот, 2 фоизга қадар қанд, олтингугурт, фосфор, темир, мис, рух, йод, кобальт, марганец, фтор кабилар мавжуд.

Қовоқ таркибидаги кўплаб дармондорилар борлиги туфайли, сариқ касаллигини бошидан кечирган кишиларга парҳез таом сифатида буюрилади. Абу Али ибн Сино қовоқнинг хосиятларига шундай таъриф беради: «Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб, ичак орқали тез ўтиб кетади. Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва кўкрак оғриқларида фойдалидир. Унинг шираси, айниқса, қизил гул ёғи билан қўшиб иситилса қулоқ оғриғини босади, мия шишларида, сарамас ва томоқ оғриқларига фойда қилади, қўрда пишириб, қанд билан аралаштириб истеъмол қилинса ични юмшатади».

Қовоқ ҳомиладор аёлларнинг кўнгил айнишига барҳам беради. Гижжалардан қутулиш учун қовоқ мағизини қуйидаги миқдорда истеъмол этиш лозим: катта ёшдагилар 300 грамм, 10-12 ёшдаги болалар 150 грамм, 5-7 ёшли гўдаклар 100 грамм, 3-4 ёшлилар 50 грамм.

Аралашма қуйидагича тайёрланади: 300 грамм қовоқ уруғи пўстлоғидан ажратилиб, ичидаги кўкимтир мағиз пардаси сақланган ҳолда ҳавончада янчилади. Янчиш жараёнида 10-15 томчидан сув қўшилади. Сув миқдори 50 граммдан ошмаслиги керак. 1 ош қошиқ асал ёки мураббо ҳам қўшиш мумкин. Аралашма тайёр бўлганидан сўнг наҳорга бир чой қошиқ истеъмол қилиниб, 3 соатдан кейин беморга сурги дори берилади. Сурги сифатида канакунжут мойи бериш тавсия этилмайди.

Доно ХЎЖАЕВА тайёрлади.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-39-89

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Б.Султонова, Ю.Ҳожиева
Мусаҳҳих: Г.Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz 15350 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1013 Топширилди — 04.20 1 2 3 5